

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

УСТОЗ

Бувижон, устозимиз айтган шеърни ёдлашим керак, - тургайдай чулдирайди неварам Мухаббатхон, мен таклиф қилган тўртликни рад этиб.

Мен унинг "устоз" сўзини катта муҳаббат билан гапирганини ҳис қилиб, тўлкила-наман. Қанчалик нури сўз бу, худди товушларидан шуълалар сочилиб турганга ўхшайди. Қанчалар ҳарорат бор бу сўзда. Биз устозларимизни "ўртоқ муаллими" деб атадик.

Она кишлоғим Хожайи Бўстондаги Мирза Азим Сомиёв Бўстоний (аввалиги Максим Горький) номли мактабнинг биринчи синфига борган кунларимни ҳозиргидай эсламан. Оддийгина бир қаватли мактабнинг печка билан иситиладиган хонасида, офтобга ўхшарди Раҳима опамиз - илк устозим.

Оқ-сарикдан келган, сочлари қоп-қора, баланд бўйли бу аёл, бизга дунёдаги энг билимдон, ҳаммадан яхши инсон бўлиб кўринарди.

Уша пайтларда туман, қишлоқ кўламини турли тадбирлар ўтар, аълочи ўқувчилар бу тадбирларда шеър ўқиб табриклашарди. Мен биринчи синфдан шеърхонлар сафига қўшилдим.

Раҳима опа ёд олдирадиган ҳар бир шеърнинг маъносини тушунириб, ургуларини қўйиб, бир неча бор ўқиб бе-



рардилар. Тадбир ўтадиган кунлари, кўпинча, мени мактабга яқин жойдаги уйчаларига бошлаб қирардилар. Чеккаларига тўр тутилган оппоқ чойшабли сим қаравотлар кўзимга мўъжизадай кўринарди. Уйчаннинг бир чеккасида примусда шўрва милдираб қайнарди. Ўқитувчим патила соҳларимни текислаб ўриб, гул қилиб ленталар тақиб кўярди.

Овқат сузиб, ичириб, "Ана, энди менинг Ойдинчам булбулдай сайрайди", деб кўярдилар. Раҳима опанинг биздан бошқа ташвиши йўқ эди, назаримда.

Уруш йиллари биз - синфнинг ҳусниҳатли бийрон болалари Раҳима опанинг фронтдаги укаларига хат ёзардик. Аскардан жавоб хати олганимизда бўйимиз бир бош ўсарди. Ўзимизни катта одамлардек ҳис қилардик-да ўша пайтда. Орадан йиллар ўтди.

Одамнинг хотирасидаги кўп воқеалар хиралашади. Аммо "Алиф-бе" ўргатган муаллима билан боғлиқ воқеалар ёдимга шундайча муҳрланиб қолган. Раҳима опа урушдан сўнг жангтоҳларда бедарак кетган аскарларнинг изларини топиш учун туманда ташкил этилган "Қизил изопарлар" гуруҳига бош-қош бўлдилар. Ўзоқ Россиянинг шаҳарларига мактублар йўллаб, қанча-қанча бедарак аскарларнинг номаълум тақдирига ойдинлик киритувчи жавоблар олиб, улар яқинлигининг кўнглига хотиржамлик бахш этганлар. Энг муҳими, бу ишларга улар ўқувчиларни тортардилар. Ўқувчиларни бебошлик, бекорчиликдан асрар эканлар энди ўйласам бу савоб ишлари билан.

Устозлик макомининг ўз масъулияти бор. Устозлик макомини кўтариш осон эмас. Оддий одам бир кўнгли, бир юрак билан яшаса, устоз минг қалбга боғланиб яшайди. Минг инсон масъулиятини зиммасига олади. Бунинг учун

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

устозлар маълум маънода до-нишманд, маълум маънода нотик, иссиқ дийдорли, иссиқ сўзли бўлиши зарур. Шу кунларда менинг муаллимам Раҳима опа, табарруқ 75 ёшга қирадилар.

Мен шу кичик мактубимни Фаргона томонларга элчи қилиб, у кишини яхши кунлари билан му-боракбод этаман. Кўнглимга туширган нақшлари шеърларим, юмушларим, фарзанд, невараларим қалбимда ҳам давом этади. Азиз бошлари омон бўлсин!

Ойдин ХОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси

ИБРАТЛИ УМР

Инсонга ёшлигидан бериладиган баъзи фазилатлар ёш ўтган сари мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверар экан. Юқори Чирчиқ тумани, "Қизил сой" маҳалласида истикомат қилувчи Абдуқодир ота Эгамқуловнинг фидойилиги, ғайрат-шижоатини кўриб бунга амин бўлдик. У 73 йиллик умрининг 45 йилини ёш авлодга илм беришга, яъни ўқитувчилик касбига сарфлади. Нафақага чиққанига 13 йил бўлишига қарамай, ҳалигача кексаликка чап бериб келаётган бу отахон, бир қарасангиз боғдаги ишлар билан машғул, бир қарасангиз маҳалла тадбирларида фаол иштирок этаётган ва яна кимнингдир тўйи-ю, маъракасида бел боғлаб хизматда...



- Отахон, бугунги кунда сизни қандай муаммолар ташвишлантиради?

- Қизим, ҳозирги кунда мени ҳаётга энгил қараётган ёшлар тарбияси ташвишлантиради. Бундай оилаларда жангилчиликни келтириб чиқармаслик учун, меҳнат қилиш керак. Ҳозир рўзгорни бут қилиб қўйиш учун ҳамма имкониятлар етарли. Тўқлиққа-шўхлик, деганларидек, ҳалол меҳнат билан топишган бойлиқни тежаб-тергамай, оқилона фойдаланилмаса, албатта бу бойлик ортқичалик қилиб қолади. Ана шундай тушунчаларни ёшларимиз онгига етказиш, биз қарияларнинг ҳам бурчимиз деб ўйлайман.

- Фарзандларингизга ҳам шундай тарбия берган бўлсангиз керак?

- Албатта. Умр йўлдошим Боядилова Гулзода момонгиз билан беш қиз, уч ўғилни тарбиялаб вояга етказдик. Уларнинг барчаси илми, ҳунари. Фарзандларимни минглаб шоғирларим қатори ҳалолликка, меҳнатга, ватанпарварликка ўргатдим. 24 нафар набираларим ҳам менинг панд-насиҳатларим, ўғитларимни қулоқларига қўйиб катта бўлишарди. Ниятим, насихатомуз шеърларим ёшлар тарбиясига ўз ҳиссасини қўйса, қолган умрим бесамар кетмаса...

- Отахон, шеърларингиздан тингласак...

Ватан учун аямаса жонини,
Сўраб турса ота-она холини,
Бехудага сочмаса гар молини,
Ана, улар Ватанига чин фарзанд.
Ўз юртига дилда бўлса садақат,
Ўз уйида ҳукм сурса адолат,
Ҳурмат қилса уни аҳли жамоат,
Ана, улар Ватанига чин фарзанд.

Отахоннинг шеърларини тингларканман, биз фарзандлар учун ҳар доим, ҳар қадамда кексаларимизнинг олтинга тенг ўғитлари жудаям зарур эканлигини кўнглимдан ўтказдим. Ўртимизда қариси-ю, париси бор хонадонларимиз гуллаб-яшнаверсин, Абдуқодир ота Эгамқулов сингари жонқуяр, тиниб-тинчимас қарияларимизнинг умрлари узоқ бўлсин.

Х. МҮМИН қизи суҳбатлашди

ҚАЛБЛАРИ ОФТОБДЕК...



Ҳурматли Юртбошимиз янги асрининг иккинчи йилини "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилганликларидан, биз - кексалар ниҳоятда қувондик. Бундайн эъзоз-ҳурматдан бошимиз осмонга етди.

Бугун юртимизнинг ҳар бир нуруний отахону онахонларининг дилида шукрона-

лик. Қалби ифтихор билан лиммо-лим. Мен ҳам дилимдаги мамнуниятни ушбу шеърим орқали ифодамоқчиман:

Хаёт боғин боғбони азиз кексалар,
Не бахти, чин дилдан дуо этсалар.
Уларни эъзозлаб, айласак ҳурмат,
Бир умр рўшнолик кўруримиз албат.
Ноёб бир гавҳарга улар тенгдирлар,
Уммондек бағри ва меҳри кенгдирлар.
Юртим чехрасида гўзал менгдирлар,
Қалблари офтобдек илик кексалар,
Шу ваҳдан иззатга лойиқ кексалар.
Ҳамиша қўёшдек порлаб турсинлар,
Элга бахт қушини чорлаб турсинлар.

Соип МУҲАМЕДОВ,
меҳнат фахрийси

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Куни кеча ҳукуматга қарашли бўлмаган "Соғлом авлод учун" Халқаро хайрия жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январда қабул қилинган "Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва "Аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002—2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларининг бажарилиши юзасидан Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси ва вилоятлардаги она-бола муассасаларига; "Меҳрибонлик" уйлари, сиҳаттоҳ мактаб-интернатларга, шифоналарга инсонпарварлик ёрдами сифатида "Соғлом авлод учун" Халқаро хайрия жамғармаси захирасидаги 44 донна компьютер ва 2 донна принтер, жами 31 млн. сўмлик асбоб-ускуналар, шунингдек АҚШнинг "Каунтерпарт Интернейшнл" Халқаро хайрия ташкилоти томонидан 129500 АҚШ долларига тенг инсонпарварлик ёрдами топширилди.

Тоҳир НОРИМОВ

"БОЛАЛАР ОРЗУСИНИ АСРАНГ!"

4 феврал куни Бутунжаҳон болалар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳаракати ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, шунингдек оммавий-ахборот воситалари ходимлари иштирокида "Дунё болаларига "Ха" деб айтинг!" мавзuida анжуман ўтказилди.

Анжуманда бугунги кунда болалар ҳуқуқини, соғлиғини ва маънавий дунёсини ҳимоя қилишга қаратилган долзарб вазифалар ўртага ташланди. Бутунжаҳон болаларини ҳимоя қилиш ҳаракати иштиракчилари дунё халқларига қарата: "Болалар орзуларини асранг!", "Ҳар бир болага билим беринг!", "Болаларни қаровсиз қолдирманг!", "Болаларни урушдан асранг!" каби бир қатор шиор-

лар билан чиқишди.

- Мақсадимиз болалар дунёсини ўзгартириш эмас, болалар билан дунёни ўзгартириш, - дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Руди Родригес.

Мамалятимиз оммавий-ахборот воситалари ходимларининг аниқ мақсадни қўзлаган фикрлари, таклифлари ўртага ташланди. Хусусан, телевидение, радио — матбуотда болалар учун махсус кўрсатувлар, эшиттиришлар газета ва журналларда турли-туман рухлар ташкил этиш лозимлиги таъкидланди. Болаларни ҳар ҳижатдан камол топиш учун имкон яратиб бериш — дунё болаларини ҳимоясига қўшилган ҳисса эканлиги эътироф этилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

ТАНИШИНГ: ЗУЛФИЯ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР



Зумрадхон ВАХОБОВА — Марғилон шаҳридаги адабиёт ва санъат музейида экскурсовод бўлиб ишлади.

Республика ва вилоят матбуотида ўзининг шеърлари билан мунтазам қатнашиб келади.

Адабиёт ва санъат музейидаги ҳар бир экспонатни қадрлайман ва улар ҳақида келувчиларга кенгроқ тушунча беришга ҳаракат қиламан, — дейди Зумрадхон касбидан фخرланиб. Шунингдек, у Марғилон педагогика коллежи сиртки бўлимида ҳам аъло баҳоларга ўқияпти.



Шахло ЭРГАШЕВА — Бухоро вилояти Қорақўл тумани 1- сон ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқувчиси.

Шахло барча фанлардан аъло баҳоларга ўқийди. У туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловлар ғолибидир. АҚШнинг "Күёш" газетасида "Ўзбекистон ва Америка" ёшлари мақоласи босилган. Шеърли китоблари босмадан чиққан.



Гулойим ЎТЕГЕНОВА — Бердах номидаги Қорақалпоқ Давлат университетининг иқтисод факультети талабаси.

Гулойимни Оролбўйи экологияси ўйлантиради. Ўзининг "Орол тақдири" — болалар тақдири мақоласида экологияга оид катта муаммоларни кўтариб чиқди.



Муножот АБДУЛЛАЕВА — Шовот туманидаги "Чигатойқалъа" қишлоғидан. 12 ёшидан бошлаб бадий ижод билан шугулланади. Унинг "Настарин" шеърли тўплами босмадан чиқди. "Меҳриғиё — истиқлол" эртақ драматси театрга сахналаштирилмоқда.


БАСИРА тайёрлади

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Баъзан ўз яқинларингга айтолмаган ҳасратларни

Қутлов

дўстга айтиб дардлашиш киши кўнглига қанот бағишлайди. Мен ўзимнинг шундай дўстим борлигидан қувонаман. Дўстларим жуда кўп, аммо орасида энг дилкаши бор. Исми Абдусамиғ. У билан танишганимизга ҳам 42 йилдан ошибди.



Алоқа соҳасида 40 йилдан зиёд ишлади. Нафақага чиққунча МТУ акциядорлик жамиятида меҳнат қилди.

Дўстим Абдусамиғ оқибатли фарзанд, меҳрибон ота, суюкли бобо бўлди.

Абдусамиғ — кечаги навқирон дўстим бугун 60 ёшга кирибди. Бугун унинг ўзи фарзандларининг дуоғўйи. Рафиқаси билан ўғил-қизларининг роҳатини кўриб яшашаяпти. Еру дўстларининг даврасида, маҳалласида эъозда. Ушбун битарканман, ҳазрат Рудакийнинг шу сатрларини ҳаёдан ўтказдим.

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун, дўстлар дийдоридан бўлмас устун.

Ўтган умрим давомида кўп қувончларни кўрдим. Бироқ қадрдон дўстларимиз билан дийдор кўришган пайтдаги шодлик дунёдаги энг гўзал, энг ширин шодлик эканлигига ишондим.

Собир ХОТАМОВ, меҳнат фахрийси



Инсон гувоҳ йўқ жойда ҳам бурчларини ҳалол адо этсагина, Оллоҳнинг розилигига муяссар бўлади, яъни ниятларига етади. Қизболаликнинг, аёлликнинг асосий шартли жисмонан покликдир ва ёдингда бўлсин:

* Тонггидан кўра, тунги уйқудан олдинги ювинишнинг мукамалроқ бўлсин.

* Тоза баданга тоза кийим кий ва тоза чой-шаб ёпин.

* Кўйлакни эмас, ички кийимни кўпайтир ва уларнинг кундузгиси ва тунгиси алоҳида бўлсин. Пастки ич кийимни ҳар тонг ва ҳар тунда, албатта, тозасига алмаштир!

* Ёчган ички кийимингни ўша заҳоти ювиб қўй ва биров кўрмайдиган жойда қурит!

* Умуман, кир тўплама, кир кийимлар турган сари ўзидан ёмон бўй чиқаради. Ва бу бад ҳид матоларнинг қат-қатига сингиб қолади. Бундай уйда яхши қиз ашамайди.

* Яхши қизнинг ювмоқчи бўлган кийимларидан ҳам ёқимли ич келади.

* Қизойим, ўз баҳонингни бил, сен қатига шабнам кўнган гул каби оҳорликсан, ҳар ер сенга муносиб эмас, ювинишдан аввал ювиниш жойларини обдон тозала, сочиқларинг, совун ва бошқа ювиниш анжонларинг алоҳида бўлсин.

* Фарида исмли дўғонамдан бир ибрат ўргангандим: у ҳар кунни ўқишдан қайтгач, дарҳол кўча кўйлагини қоқиб-силкиб ташқарига олиб кўяра, қарабсизки, кўйлак шабадада гўбори кетиб, мусаффолиниб қоларди?

Сенинг иқлимнинг мусаффолики бўлсин!

БИР БАХТИНГ — СУРАТИНГ!

Ҳар бир юртинг ўз тош-торозуси, диди, орзу-истаклари ва кўникмалари бор. Мана шу ўзига хосликни биз МИЛЛИЙЛИК деймиш ва уни авлоддан авлодга асосан аёллар ташийдилар, ўз фарзандларининг руҳига, юрагига сингдирадilar. Ва буни омон қолган МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ дейилади.

Сен разм солгин, дунё халқлари энг катта минбарларда, қаддини жаҳон кўрайдиган жойларда, ўзининг муборақ кўнларига миллий тили, миллий кийимлари ва миллий маданий меросларини намойиш этиб ўртага тушади. Бу уларнинг "Менинг наслу насабим бор, зотим, тарихим таъин" деганидир. МИЛЛИЙ ҒУРУР шу, болажон.

Дунё — барҳаёт жаранглаётган бир куй, ҳар миллат унинг бир пардаси. Дунё — яшнаб турган анвойи гулдаста, миллатлар унинг бетакрор гулгари! Дунё — камалак, ҳар миллат унинг бир ранги! Қизим, дилбандим, сенга илтижоим шу — тархи тоза наслимиз ҳаққи қасам ич ва мени ишонтирми сен ва сендан тарқалганлар шу элнинг асл боласи бўласиз, қай оҳанггадир эргашиб кетмайсиз, қай бир ранггадир сингишиб кетмайсиз, "дунё" деган куйнинг, "дунё" деган гулдаста, "дунё" деган камалакнинг соф ўзбекча пардаси, ўзбекча гули, ўзбекча ранги бўлиб яшайсиз, иншооллоҳ!

Бу борада, қизим-жонсарғим, сен энг огоҳ ва вафодор бўлишингга юракдан ишонаман ва яна бир бор қулоқларингга айтиб қўяй:

Удда қилсанг, ўнта тилли

ёдлагил булбулдайин, Аввало ўз тилгинангнинг

хизматин қил қулдайин, Сўйласанг ўзбекчада,

бўйлар таратсин гулдайин, Нозик ўлсин қилдайин

изҳор этарда дилдагин, Ўзлигингни аввал уқ,

ўзбеккинамнинг боласи!

Шу шеърнинг яна бир жойида "дўппилар армон бу кун, эҳ, бекасан тўнлар қани?" дея ох урибман! Охларим етсин сенга!

(Давоми бор)

Турсуной СОДИКОВА

«НОМ ЧИҚАРСАНГ ЯХШИЛИКДА...»



нишони билан тақдирланди.

Аъзамхон Рустамов умр бўйи ўзига елкадош, фикрдош бўлиб келган рафиқаси Вазираҳон ая билан бир ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказдилар. Бу инсон нафақага чиққанларида ҳам тинч ўтирмай, қаерда тарбия маскани бўлса, ўша ерда елиб-югуриб юрардилар. Одоб-ахлоқ, тарбия соҳасида қимматли маслаҳатлари билан, олтинга тенг ўғит, панд-насиҳатлари билан мақолалар ёзиб, кўрсатувлар қилиб умргузаронлик қилдилар.

— Отам ёшлиги-

данок миллатимиз маърифатини юксак поғоналарга кўтаришни мақсад қилиб, шу йўлда ҳормай-толмай меҳнат қилганлар. Ўзбек миллатининг шаън-шавкати дунё юзини кўришини орзулаб, менинг исминини ҳам Ўзбек деб қўйган эканлар. Афсуски, у кишига мустақилликнинг жамолини кўриш насиб этмади, — дейди устознинг ўғли, 76 баҳорини қаршилаётган Ўзбекхон ота.

— Ҳовлимиздаги ҳар бир ниҳолни фарзандларидек авайлаб, парвариш қилардилар, — мавзунини давом эттиради Аъзамхон Рустамовнинг қизи — бир умр ота касбини давом эттирган 73 ёшли Фаридахон ая. — Набираларим есин, шамоллашга қарши фойдали деб, ҳовлимизнинг бир четиға малина кўчатидан эккан эдилар. Ҳосили яхши эди. Буни қарангки, вафотларидан бир неча кундан сўнг, у ўз-

ўзидан қуриб қолди. Қанча асрашга ҳаракат қилмайлик, уни сақлаб қола олмадик. Отамнинг меҳри бошқачамиди? — дея кўзлари намланди онахонни...

Отахон яшаган Кўкча маҳалласидаги баъзи бир кишилар ўз набираларига бежиз "Аъзамхон" деб исм қўйишмаган. «Бу инсоннинг бирор марта қаттиқ овозда гапирганини, бирор нарсадан жҳли чиққанлигини эслай олмаимиз», дейишади улар. Ўзбекхона физиотлар соҳиб, меҳри дарё инсон Аъзамхон

Хотира — муқаддас

Рустамовнинг "Одобнома" рисола-си бугунги кунда тарбия, одоб-ахлоқ мавзусида барчага ибратли қўлланма бўлиб келмоқда.

Яқинда устознинг 100 йиллигига бағишлаб хотира кечаси ўтказилди. «Қарияларни қадрлаш йили» да бундай тадбирни ўтказиши қарияларимизга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиромнинг рамзи эканлиги алоҳида таъкидланди. Аъзамхон Рустамовнинг:

Кучинг етса, бир ёмонни

яхши қилиш савобдир,

Билиб туриб тузатмасанг,

бу қилмишинг гуноҳдир,

Ном чиқарсанг яхшиликда

барҳаётдир ўтмишинг...

— деб ёзган сўзлари бугунги кунда унинг ўзига тегишли бўлиб турибди.

Х. ХОТАМБОВА

Фарида АФРЎЗ: “ЁМҒИР БЎЛИНГ, ҲОВУЧЛАРИМ ТУТАЙИН...”

- Фарида опа, суҳбатимизни сиз ёзган бир шеър билан бошласак.

...Дарё бўлинг,
қайтишингиз кутайин,
Ёмғир бўлинг,
ҳовучларим тутайин...

Нега бундай деб ёзгансиз? Нахотки, биз аёлларга теккани “бир ҳовуч”гина, ҳолоси?

- Ахир айтинг-чи, зўрлик билан қайси эзгу иш битган? Биз аёлларнинг ҳокисорлигимиз, жон фидолигимиз, вафою садоқатимиз, сабру қаноатимиз ҳамма бутунликларнинг, тўқинликларнинг, қут-барақаю, ному су ориятнинг ўзаги эмасми?

- Сизнингча, биз юқорида кашф этган олижаноб аёл ким ўзи?

- Ўзини таниган, ўзини эъзозлайдиган, вақтни ҳис қилувчи, дунёнинг ёлғон ва омонатлигига ишонган, бир сўз билан айтганда ўзлигини топган

АЁЛ!

- Нимадан кўрқасиз?

- Маҳумликдан, аросатдан.

- “Оллоҳнинг уйи кўнгилдир”, деган гап бор.

- Ҳа-да! Шунинг учун ҳам кимки нима топса, кўнглидан топади. Ҳар кимнинг ниятига яраша. Айтайлик, касалман деган одам, дўхтирма-дўхтир юраверса, албатта ўша излагани - бирор бир касалликни топади ва ҳоказо.

- Кўнгли тоза, кўнгилчан, умуман кўнгил одамига жуда ҳам оғир-а?

- Ҳа, кўнгил одами - мисоли дарахт. Биров меvasини еса, биров соясида баҳра олади. Охир-оқибат ўтин қилиб ёқади, исинади.

- Сиз учун энг ечими йўқ муаммо?

- Нафақат мен учун, балки бутун бани башар учун ёпиқ дарвоза бу

ўлимдир! Баъзан ўйлаб қоламан:

...Бир бормиди, бир йўқмиди, отам менинг бормиди? Бир бормиди, бир йўқмиди, онам менинг бормиди?!

Бўри бақовулмиди, тулки ясовулмиди,

Кўрганларим наҳот туш, балки тасаввурмиди?..


Туйнугимдан ой бўлиб боқмаганим отам-а,

Эшигимдан сой бўлиб оқмаганим онам-а...

Биласизми, йўқотишлар ичра энг оғири, энг даҳшати отанг ва онангдан айрилмоқ экан.

- Оиланинг жамиятдаги ўрни ҳақида ҳам икки оғиз сўз юритсак.

- Эркак — оиланинг устун, аёл эса чироғи, дейди доно халқимиз. Илоё, мустақил Ўзбекистонимиз-



Ватан. Оила. Ижод.

ни, унинг ҳур элини устунлари бутун, чироқлари нурафшон бўлаверсин!

- Илоё, айтганингиз келсин!

Суҳбатдош:
Раъно ЯРАШЕВА

ҚИЗИМ ЯЛНОЗБЕҒИМГА

Сени дарёга отдим мен, қўлимдаги гулим - қизим,
Умр ёлғизоёқ йўлдир, тирик юрсам йўлим - қизим.
Бозор борсанг, бозор - дунё, мазор борсанг, мазор - дунё,
Аямайди, озор дунё, саботимга қўним - қизим.
Йиғласам мен чин йиғладим, тигласам жон, жон тигладим,
Ич-ичимга ҳеч сизмадим, тўфонимда тўзим - қизим.
Сени дарёга отдим мен, оқар бўлдинг, сузар бўлдинг,
Битта сўздан тўзар бўлдинг, куяримда ўзим - қизим.
Сўз ишқидан онанг ҳалак, гир айланар чархифалак,
Замон ҳалак, даврон ҳалак, тил учинда сўзим - қизим.
Хатоларнинг қурбони мен, адолатнинг сарбони мен,
Бу шабистон кўчаларда нурум-қизим, кўзим - қизим.
Хазонимда бог бўларим, қўларимда тоғ бўларим,
Жон-жаҳоним, ифбат, орим, менинг ёруғ юзим - қизим.
Минг йўқотдим, бирни топдим, оҳ, надомат - лойга ботдим,
Бу дунёда сени топдим, мендан қолар изим - қизим.



Тигласак жонни биз, ёр деб тигладик,
Дунёни бедаво, кор, деб илгладик.
Нафсимиз қўлида гул бўлмадик, йўқ,
Хазон бўлдик, аммо ор, деб йиғладик.
Йиғладик, биз қилни қирқларга ёрдик,
Чорласа, ҳар хору зорларга бордик.
Кўнглимиз кўчасин тошларин териб,
Гуллар экдик, гулзорларга бордик.
Бордик, оҳ, қадримиз бекадр бўлди,
Ишқимиз ўлди-ю бекадр бўлди.
Бу дунё сайлини қилдик бесамар,
Акл шошди, юрак бесабр бўлди.
Бўлди, пешонамиз тошга урилди,
Ҳар қадам ташладик, жарга бурилди.
Қирқ кеча, қирқ кундуз ибодат қилдик,
Армонлар ўлдилар, шахдлар тирилди.
Тирилди, оҳ дилда тугёнлар, салом,
Қонимиз елпиган бўронлар, салом.
Ҳеч кимнинг кўксидан итаргайми, ишқ,
Бизни деган ёру гирёнлар, салом.

БОБҲУР МИРЗОНИНГ ОНАСИ ХОНЗОДА БЕҒИМГА

Мирзони асрамоқ - юртни асрамоқ,
Яланғоч кўкракда ўтни асрамоқ.
Иймонни асрамоқ, қутни асрамоқ,
Ишқингиз Ватандай улуг, Хонзода.
Не учун кўнгилга бунчалар ситам,
Бошингиз Шайбоний кўкси узра ҳам.
Инингиз Бобуршоҳ руҳига қасам,
Ишқингиз тонг каби қўтлуг, Хонзода.
Душманинг қўлида имкон бўлдингиз,
Темурзода жонига қалқон бўлдингиз.
Не-не мард эрларга армон бўлдингиз,
Ишқингиз ой каби мунглиг, Хонзода.
Рўҳингиз қонимда эй, мунис малак,
Минг савдо бошимда, бир жоним ҳалак.
Яшашни ўргат, бир кунлик капалак,
Ишқингиз бунчалар тўлуг, Хонзода.
Йиғлагим келади, сизни ўйласам,
Инингиз қўлимдан, сиз каби мен ҳам.
Далли девонаман бир кун кўрмасам,
Ишқингиз меросдир, ўтлуг, Хонзода.

Мана яна бир куним ўтди,
Яна битта кузга алвидо.
Олдимизда киш бор, қаҳратон,
Ва ҳижрон бор тунлари ялдо.
Мана яна бир куним синди,
Қулоғимда олтин балдоғим.
Овозимнинг бир тори тинди,
Ғамбодга тўлди қабоғим.
Мана яна бир куним қурбон,
Пушаймоннинг қўлида қилич.
Ғафлат-қотил, надомат-жаллод,
Жон талваса қилади илинж.
Мана яна бир куним увол,
Нон увокдек тўкилди ерга.
Хатто қушлар териб еёлмас,
Жон каклигим илинган тўрга.
Мана яна бир куним сабил,
Яна бир кун яшадим сенсиз.
Айрилиқнинг умри узайди,
Умр эса чексиз ва тенгсиз.

Тун ярим...
Умр ярим...
Остонада куз йиғлар,
Чидолмайди қишнинг қаҳрига...

Тун ярим...
Кўнгил ярим...
Остонада армон йиғлайди,
Банди бўлган ишқнинг сеҳрига...

Тун ярим...
Тунлар ярим...
Остонада умр йиғлайди,
Киролмайди кўнгил шахрига...

Аёлни сев, аёлга ёлбор,
Минг бир кеча эртақларинг айт,
Алпомишлар туғиб беради.
Аёлни сев, остонасин ўп,
Қаср қурма, кўнглини сўра,
Бало келса туриб беради.
Аёлни сев, ўламан дегил,
Ишқ яратган парвардигордан,
Сенга умр сўраб беради.

Ташлаб кетма,
бир кун ҳам мени,
ёстигимга тушлар тўлади,
Ёлғиз аёл тўшакларига,
туҳмат қирар, ёлғон қиради.

Ташлаб кетма,
бир сония ҳам,
руҳим учар, ҳушим тинади.
Азал аввал берган қовурган,
минг майишиб, минг бир синади.

Ташлаб кетсанг,
дунёлар вайрон,
буйўғлилар инлар қуради.
Ёлғиз аёл эркаксиз жангда,
тирик туриб, ўлмай ўлади.

БИЗНИНГ АЁМЛАР...

Ҳар бир оила ҳаётида киши кўнглини ёрқин қиладиган хотиралар бўлади. Улар ўз вақтида жуда янгли, вақтлар ўтиб эсланганида эса кишининг кўзига ёш чиқарадиган азиз хотиралар бўлса ҳам, улар ҳақида эсланганда, сўзланганда қалбининг ҳаяжонга тўлдирадиган, яқинларингга меҳрининг оширадиган, юзингда беғубор табассум уйғотиб сени узок тарқ этмайдиган хотиралар...

Олти фарзанд, келинлар-у қуввлар, талай набиралар-у абиралар йиғилганда ўтганлар ёди билан қайта-қайта эсга олинадиган бундай воқеалар икки оиламизда ҳам кўп.

Уруш йиллари қайнонани Неъматжон ака Тўқимачилик комбинатида ишлар эканлар. Ун тўрт-ун олти соатлаб комбинатда қолиб кетишга тўғри келаркан.

- Ёш болалар билан ойингиз бог ҳовлида ёлғиз қолиб кетар, катта ҳовли ҳосилини амаллаб тирикчиликка ёпиштирадир.

- Ҳикоя қилардилар қайнонам. - Тунлари бўш қолдим дегунча, уйдан хабар олгани ошқардим. Электр энергияси фронт учун ишлайётган завод ва фабрикаларга тежаб берилиб, шахар кўчалари ёритилмас, трамвайлар ҳам юрмасди. Комбинатдан дуч келган аравами, уловгами мингашиб, кўпинча эса пиёда кетардим.

Йўлни қисқартириш учун одамларнинг бог-роғларидан оғиб, тун ярмидан оғиб қолганда уйга етиб келардим. Ойингиз берган об-ёвғонни ичибоқ чарчаганимдан ухлаб қолардим...

Бир кун тунда болаларнинг харҳашасидан уйғониб кетдим. Урнимдан турай десам, бошим гурс этиб мис тоғорага урилди. Нима гаплигини билмай гангиб қолдим. Кейин тушундим: оқшомдан шивалаб ёға бошлаган ёмғир сомон сувоқ тоғни обдон ивитиби,

Оналарим — Мохларим



хар жой, ҳар жойдан чакка ўта бошларди. Ойингиз имкон бор жойнинг ҳаммасига бисотидаги идиш-товоғини қўйиб чиқибди. Лекин менинг нақ бошимдан оқа бошлаган лойқа томчиларни тўхтатишнинг иложини қила олмай (идиш қўйи деса мен ётибман, уйғотай деса уйқумни қизганиб) тик турганича тоғора тутиб турган экан! Шу алфозда ойингиз қанча турганини билмайман, ҳарқалай тоғорага сув анчагина йиғлаган экан. Қаранг, уйғотай деса уйқумни аяган, ҳали замон тонг оқариб яна ишга кетишим керак... Ўртада бола уйғониб қолибди... Э, нималарни кўрмади бу бошлар! Нималарга дош бермади бизнинг аёллар!

Раҳима ШОМАНСУР

Хонага яхшигина кийинган, 30-35 ёшлардаги йигит кириб келди. Салом-аликдан сўнг у бошидаги телпагини қўлга олди-да, бир зум ерга қараб туриб, сўз бошлади:

- Тўғриси айтсам, бу ерга келгунча минг истихолога бордим. Нимаки, бирова дардимни дастурхон қилишни ёқтирмайман. Айниқса, йигит киши бўлиб...

Ўзини ноўрин ҳис қилаётганини кўриб:

- Ҳеч ҳам хижолат бўлмаг. Ҳаёт ташвишлари олдида аёл ҳам, эркак ҳам, ҳаммамиз бирмиз. Бемалол гапирaverинг,- дедим.

- Исми Мирзоҳид. Оилада беш қизнинг ичиде ёлғиз ўғилман. Ота-онам ёлғиз ўғиллигим учун менинг тарбиямга, ўқишимга алоҳида аҳамият беришарди. "Вақтинги бехуда ўтказма, ўқи",- дер эдилар. Мақтабни тугатиб, институтга кирдим, олий маълумотли бўлдим...

Бироқ маълумотли бўлдинг дегани, ҳаётда қийналмай яшайсан, дегани эмас экан. Онам доим менга: "Сенга энг ақлли, энг чиройли қизни олиб берман, жон болам. Яна менинг кўнглимга ўтирмайдиган қизга кўнгли бериб қўймагин-а",- дер эдилар. Мен онамнинг бу орзуларидан айриб қўймаслик учун, бирорта қизга кўнгли бермадим. Кўзимга бирортаси яхши кўринса, ёки бирор қизнинг ҳусни, одоби ёқиб қолса, уни севиб қолишдан чўчи ўзимни чалғитардим.

- Ота-онангизга сиз севган қиз ҳам ёқиб мумкин эди-ку?

- Мумкин эди, бироқ кейинчалик бирор дилхиралик, келишмовчилик бўлиб қолса, онам ўз орзусидаги қизни олиб бермаганига ўқинмасин, деб ўйлардим... Ота-онам учун кўнглимга қарши боришга рози эдим.

Хуллас, менга ана шундай кўхликина, уларга ҳар томонлама маъқул бўлган қизни олиб беришди. Мадина билан (хотинимнинг исми шундай) ширин турмуш бошладик. Ота-онам хурсанд, мен эса уларнинг хурсандлигини кўриб қувонардим. Бироқ бу хурсандчиликларнинг тез орада саробга айланиши кимнинг ҳам ҳаёлига келибди, дейсиз?..

Отам бизни анча қийинчиликлар билан катта қилганлар. Шунданми, менга "ўқигин - одам бўласан, меҳнат қил - кам бўлмайсан" деб уқтирардилар. Ўқиймани тугатиб, яхши бир корхонада ишлаб бошладим. У ерда ўзимга яраша обрў-этибор, ҳурмат топдим. Турмушимиз ҳам яхши ўтарди. Ота-онам: "Халол луқма билан катта бўлган бола, ризқли бўлади, сен ҳам оилангни ҳалоллик билан боқ", деб, ёш боладек ҳар куни менга уқтирардилар. Мен учун уларнинг ҳар бир сўзи дастурилади эди... Бу орада фарзандли бўлдик. Мен ишларимни ривожлантириб, фаолиятимни тадбиркорлик йўлида давом эттирдим. Яхшигина

даромад топиб, ота-онам тирикчилигиде уй-жой қуриш ҳаракатига тушдим. Кейинги вақтларда Мадина билан орамизда тез-тез гап қочадиган бўлиб қолди. Мен бунга унчалик аҳамият бермасдим. Тўғриси, вазиятни жиддийлаштириб, ота-онамни хафа қилиб қўйишдан чўчирдим. Бироқ, кўпинча ишдан келсам, дадамнинг кайфияти йўқ, онамнинг эса кўзлари қизарган бўларди. Мен улардан бу ҳолнинг сабабини сўрасам, улар - афтидан мени аяшарди чоғи-ганни чалғитишга ҳаракат қилишарди. Аммо, "касалини яширсанг, иситмаси ошкор қилади" деганларидек, кўп

бу ёққа шошиб, ўзларича алланималарни ахтариб, алланималарни гапириб юрибдилар. Дадамнинг қон босими ошиб кетганлиги боис, дўхтирлар шифохонага олиб кетадиган, онам ва мен бирга борадиган бўлдик. Кетаётиб: "Мадина қани? Мадина!" - деб қачқирдим. Ўғлим: "Ойим ётоқхонадалар", - деди. Мен ҳайрон бўлиб онамга қарадим, онам эса ерга. Кўнглим бир нарсани сезиб, юрагим хижил бўлиб тез ёрдамга чиқдим.

Ҳа, кўнглим сезган экан. Хотиним ота-онамга ўша куни менга айтган гапларини айтиб: "Қизларингиз билан бирга эримни бойлигини еб тугатмок-

Ғашрифтларингиздан бири

тўғри йўлга соломладим. Чўнтақларимдан пулларни йўқолиб қолишига, қариндошларимнинг тўй-ҳашамларига мен билан бирга бирор марта бормаслигига, опа-сингилларимни ҳурмат қилмаслигига, онаси билан менинг устимдан маҳаллага арз қилишларига, "мени урди" деб бир суткага қаматганига фарзандларим ҳаққи чидаш бериб келдим. Аммо яқинда бир қўшнимиз, хотиним онамни ургани тўғрисидаги гапнинг учини чиқарганида, дахшатга тушдим. "Онам, онамизнинг менга нималарни раво кўрдигизу, нима-

ларга дуч келдингиз. Сенга энг оқила қизни олиб берман деб..." ҳаёлимдан шу гаплар кетмай қолди. Бу воқеанинг тафсилотини хотинимдан сўрасам, ҳар хил гапларга ишониб менга тухмат қилаверсангиз кетаман, ажрашман, деб қолди. Онамдан сўрашга эса менда юрак йўқ...

Қайси куни онам: "Ўғлим, мен нодон ўз орзу-ҳавасларимни ўйлабман-у, сенинг кўнглингни сўрамабман. Шундай қилсам, балки ҳаётимиз бошқача бўлармиди", - дедилар. Мен онамизга қараб, асли пешонамга шундай тақдир ёзилганлигини, ундан қочиб қутулиб бўлмаслигини айтиш учун оғиз жуфтладим-у, бу гапни айтиб узиш ҳам яраланган қалбларини тирнагим келмай: "Қўйсангизчи, ойижон. Бахтимга сиз борсизку", - деб кўнгли кўтарган киши бўлдим.

Онамнинг уйи бўла туриб, ўз уйига сизмаслиги, бу ёқда хотиним бир гапга "Кетаман, болаларимни олиб кетаманга тушиб олиши, мени талба қилиб қўйяпти. Ўзим ҳам соғлигимни йўқотдим. Ҳар сафар "Оила ва жамият" газетасини олиб бориб атайлаб, ўқисин, қилаётган ишларидан хулоса чиқарсин деб, стол устига ташлаб қўяман. Лекин бу усулим ҳам иш бермапти. Умуман боши берк кўчага кириб қолганман.

Халқимизда "Ёмон хотин диндан чиқарар", деган нақл бекорга айтилмаган. "Бахт қалити тилда", дейилиши ҳам бежиз эмас. Аёл аввало ширин тили, чиройли қалби билан оилани безаб туради, оилани сақлаб туради. Мирзоҳид ҳам болаларини астойдил яхши кўрганлиги учун, оғзидан боди кириб, шоди чиқади хотини билан яшаб келаяпти. Муштипар онасини бу аёлнинг зугумларидан сақлаб қолишга ҳам ожиз. "У билан фақат фарзандларим учунгина яшаяман", дейди у. Аёлга шундай бахт керакми? Аёлга шундай оилани соҳибаси бўлиш ярашадими? Мен Мадинага дунёда бир марта бериладиган умр ўзгалар қалбини жароҳатлашга сарфланмаслигини, муштипар ота-она дилига берилган озори учун бир кун жавоб бериши муқаррарлигини айтмоқчиман.

Сиз бунга нима дейсиз, азиз мухлис?

Хулкар ХОТАМБОЕВА

БАХТ ҚАЛИТИ ТИЛДА



ўтмай очикчасига менга ҳам, ота-онамга ҳам гап қайтарадиган, сал нарсасига жанжал кўтарадиган бўлиб қолди. Мен унга ҳамма шароитларни яратиб бердим, ҳовлидаги ҳар бир уйнинг ичиде ваннадан тортиб, бошқа шароитларгача муҳайё қилиб қўйганман. Йигитлик кучим, даромадим бор пайтда шу ишларни қилмасам, менга ким ёрдам беради, укам ё акам бўлмаса. Мен Мадинага: "Нима десанг, барини муҳайё қиламан, фақат шу қарияларни дилига озор бермагин", - дедим. Йўқ, аксинча, Мадина менга шарт қўйди:

- Бир умр шу ота-онангиз деб келаясиз. Мен ҳам уларнинг инжиқликларидан сиқилиб кетдим. Ўзим учун қачон яшайман, ахир? Гап тамом, уларга алоҳида уй олиб берасиз. Мени, болаларингизни десангиз, иккаласини, "дом" олиб, ўша ерга қариб қўясиз", деди. Қулоқларимга ишонмадим. Наҳотки шу гапларни менинг хотиним - фарзандларимнинг онаси айтаяпти? Ахир дунёда мен фақат ота-онам ва шу хотинимга суяниб яшайман-ку? "Оталар сўзи-ақлнинг кўзи"да шундай нарсаларни кўрсатишса, "ҳаётда шундай одамлар ҳам бормикан?" деб ўйлардим. Бу савдолар ўзимнинг бошимга тушишини қаёқдан ҳам билибман.

Мен ўзимда бу сўзларни энгish учун катта бир ирода топа билдим. Бироқ бир куни ишдан келсам, дадамнинг ёнида дўхтирлар, онам эса у ёқдан,

чизислар, уйни бўшатиб қўйинглар", - дедди. Мен унга бу гапларни қай юз билан айтдинг, ахир сен ҳам инсонсан, сенинг ҳам ота-онанг шу кўйга тушса нима қилардинг? - деб айтсам, у ховлига чиқиб қўшнилarga эшитиладиган даражада бақириб жанжал кўтарди. Мен учун кўни-қўшнилари олдида шарманд бўлиш - ўлим билан баробар эди.

Дадам шифохонада анча ётдилар, дўхтирлар уйга жавоб берамиз дейишганда, "Ўғлим, уйга бориб яна келишимнинг дашномларини эшитганда кўра, шу ерда ётганим афзал", - дедилар. Шу гапларидан икки кун ўтиб қазо қилдилар.

Йигитнинг кўзлари ёшга тўлди.

- Хотинингиз айтган гапларидан пучаймон бўлгандир?

- Қайдам... Дадамнинг ўлиmidан кейин мен ҳам унга ортиқча гапирмай қўйдим. Ўзи хулоса чиқарар деб ўйладим. Бу ёғига яхши бўлиб қолар деб умид қилдим. Мени ота-онам қанчалик яхши кўришган бўлишса, мен ҳам 3 та фарзандимни шунчалик яхши кўраман. Шу сабаб, ажралишиб кетиш мен учун жуда мушкул.

- Онангиз дадангиздан кейин қай аҳволда қолдирар?

- Онажоним... Бечора онам бизни уришишмасин деб, тугунини кўтариб, ҳали у синглиникида, ҳали бу онамникида. Ҳар куни бир келиб невараларини кўриб кетади. Мен уларни кўриб эзиламан. Хотинимни ҳеч

БИЗГА ОНАМИЗДАЙ БЎЛАДИГИЗ, ЯНГАЖОН

Юртошларимиз "Оила ва жамият"га ота-оналари ҳақида кўпроқ ёзишди. Мен эса янғажоним ҳақида ёзмоқчиман. Чунки янғажоним онам вафотларидан кейин йигирма уч йил олдин бизларнинг хонадонимизга келин бўлиб келдилар. Бир олам турмушга чиққан, қолган саккизтаимиз жуда ёш эдик. Энг кичкинамиз 3 ёшга, мен эса саккиз ёшга киргандим. Ҳаммамизни ўқитмай

катта қилиб, бошимизни силаб ўқитдилар. Бировдан кам қилмай сеплар қилиб турмушга бериб, акам ва укамларни уйлантиришда дадажонимга суяначик бўлдилар. Янғажоним яхши бўлганлари учун ҳам дадам бошқа уйланмадилар. Қизларнинг ҳаммасига онасизлигини билдирмай бешиқлар безатиб олиб бордилар. Мен фарзандсизлик сабабли ажралганимда ҳам ўз яхши сўзла-

рини аямадилар. "Сингилжон, яхши кунинг албатта олдинда", - деб кўнглимга мадад берар-

Фақат сизга аталган сўзим

дилар. Мана, айтганларидек яхши куним ҳам келди. Айрим муштарийлар, "янгам ундай", "келинимни бундай қилди", - деб ёмонлаб ёзишади, лекин Оллоҳга шукрим, бизларга жуда аjoyиб, жонқуяр, бизлар-

ни ўз фарзандидек кўрган аёл-ни янға қилиб берган. Янғажоним Норова Назокат бугунги кунда ажажоним билан беш фарзандни ўстириб, икки қизни турмушга бериб бир набиралик бўлганлар. Обида қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли кутубхонага мудирлик қиладилар. Ҳозир ҳам гўёки бизлар янғамиз учун ёш боламиз, биронтамиз касал бўлсак чопиб борадилар, тўй қилсак

ўзлари бош бўладилар. Орамизда шундай қишлар кўпайсин, қайнлар янғадан, янгалар эса қайнсингиллардан кўнгли озор чекмасин, деб ният қиламан. Сўзимни тугатар эканман янғажоним акам ва бизларни бахтимизга соғомон юришларини, онажоним арвоқлари доимо янғажонимни қўллаб туришини, ҳеч қачон юзлари ғамини, кўзлари намини кўрмаслигини Оллоҳдан сўрайман.

Зулайхо МУРОТОВА

ДУШАНБА 11

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИСИ

Телетомошабинлар диктанта!
Профилактика муносабати билан душанба, 11 февраль кuni «Ўзбекистон-1» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.
15.00 «Олтин тоғ». Телевизион ўйин.
15.25 «Тўртинчи ҳокими-ят».
15.45 «Ошин». Телесериал.
16.15, 17.00 ТВ-анонс.
16.20 «Яккама-якка жанг». Спорт дастури.
16.40 «Қалб гавҳари».
17.05 «Қино оламида».
17.35 Эстрада тароналари.
17.55 ТВ-маркет.
18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
18.10 «Ўзбекистон фўқароси».
18.25 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.50, 20.25, 21.00, 22.15 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.30 2002 йил - Қарияларнинг қадрият йили. «Пари си бор уй».
22.00 «Спорт, спорт, спорт».
22.20 «23.5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 66-қисм.
22.45 «Ахборот-дайжест».
23.05-23.10 Ватан тисмолари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тоғи.
10.00 «Янги авлод» студияси...
10.20 Мультфильм.
10.45 Яшанбада қўришунча.
11.00 «Давр-халфа ичиди».
11.30 Жаҳон жуғрофияси.
12.20 Ўзбекистон дурдоналари: Тошкент.
12.30 Давр-ювс.
12.50 Мели Юсуф. «Чеч».
Аббас Ҳидоятос номидagi Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.
14.25 Автосалтанат.
14.40 «Қусто қоманданининг суво ости саргузаштлари». Телесериал.
15.25 Мультфильм.
15.45 Қўли гул усти.
16.05 «Ақмад қаерда?». Бадий фильм.
17.30 Спорт жаҳонимаси.
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» почтаси.
«Билангон маспахати».
18.20 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 18-қисм.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Икким.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-пелс.
19.35 Халқалда плус.
19.45 Ўзбекистон кураши.
20.05 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Махмуд Намозов куйлиди.
20.25 Ёшлар овози.
20.45, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.50 «Эсмералда». Телесериал.
21.20 XX аср шеърятидан. Миртеми.
21.35 Қиллоқдаги тенгдош.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Тунги тароналар.
22.40 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.00-00.55 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болаларлар экран.
«Болалар ва Карлсон», «Карлсон қайтди». Мультфильмлар.
18.15 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 21.25, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТВда сериал: «Селеста, хамиша Селеста».
19.10 «Тал-тортмаслар».
Хужжатли фильм. 11-қисм.
19.35, 21.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-пелс».
20.20 ТВда сериал: «Беби-лика пул».
21.40 «Муслик мейхонхона».
22.35 Кинонигоҳ. «Микхо».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шахрим!».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ РХТ

7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.30 «Юрагимнинг ёркин юлдузи». Сериал.
18.15 «Бугун оламида». Ахборот кўрсатуви.
РХТ
18.25 М. Евдокимов хузурида меҳмонда.
19.00 «Мени кутти».
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?». Телеўйин.
21.00 «Время».
ЎзТВ-IV
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.15 «ТВ-4да Немис тўлини».
22.35 Киноматограф. «Шяпа». Бадий фильм.
00.00 «Ахборот» (рус тилида).
00.30 «Тунингиз осуда бўлин!».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.55-гача профилактика ишлари.
17.00-Дастурнинг очилиши.
17.05-Документальное кино: «Человек и море».
17.45, 20.35-«Теле-хамкор», фойдала газета.
18.10-«Мелочи жизни», телесериал.
19.00-«Брак по-итальянски», комедия.
21.00-«Спокойной ночи, малыши!».
21.20-«Ошикона», мусикий дастури.
21.30-Кино: «Лоди Икс».
23.15-«Скорая помощь», телесериал.
00.00-Спорт в полночь

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 Телеканал «Доброе утро».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Новости.
9.15 «Земля любви». Сериал.
10.10 «Жертвы по объявлению. Дело 2001 года». Документальный детектив.
10.40 Полет «удес».
11.30 «Непуганые заметки с Дик Крыловым».
11.50 Библиомания.
12.15 Сериал «Ермак». 1-я серия.
13.20 «Ералаш».
13.35, 23.55 На XIX зимних Олимпийских играх.
14.25 Спорт-Лейк-Сити. Дневник Олимпиады.
15.15 Фильм: «Ракетчик».
17.00 Большая стирка.
18.25 «С легким паром!».
19.00 Жди меня.
20.00 «Кто хочет стать миллионером?» Телеигра.
21.00, 23.30 Время.
21.35 «Убойная сила: Рикозы».
22.40 На XIX зимних Олимпийских играх. Хоккей.
24.40 На XIX зимних Олимпийских играх.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.50 - 9.00 УТРО НА РТР
5.50 6.50 7.50 8.50 ВЕСТИ-МОСКВА
6.00 7.00 8.00 9.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 ВЕСТИ
6.10 «Православный календарь».
6.15, 7.20 АФИША.
6.25, 11.15, 23.25 «Дежурная часть».
6.30 НОВОСТИ ОЛИМПИАДЫ-2002.
6.40, 8.40, 11.20 «Экспертиза РТР».
7.10, 17.30 «Дорожный патруль».
7.30, 8.30 НОВОСТИ ОЛИМПИАДЫ-2002.
7.40 «Астра-бой». Мультсериал.
8.10 «Национальный доход».
8.15 «Хроника».
9.15, 23.40 ОЛИМПИАДА-2002.
11.30 СЕМЕЙНЫЕ НОВОСТИ.
11.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
12.25 «Селеста, всегда Селеста». Телесериал.
13.00 «Что хочет женщина».
Ток-шоу.
13.30 «Приключения Папируса». Мультсериал.
14.30 «Крылья любви». Телесериал.
16.20 «FM и ребята». Молодежный сериал.
17.40 Фильм: «Скворец и Лира». 1-я серия.
19.00 Дневник Зимних Олимпийских игр.
20.35 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20.55 Сериал «Леди Босс».
21.55 Детектив Двадцать четыре черных дрозда.
23.00 ВЕСТИ-ПОДРОБНОСТИ.
1.25 Документальный фильм «Терроризм в американском прицеле».
1.50 Прогноз погоды.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

1.15 Временко.
1.45 Петровка, 38.
2.25 Ночной полет.
3.00 Поэтический театр.
07.00 Познавательная программа «На пределе». 6-я серия.
07.30, 15.00 Сериал «Отважные». 24-я серия.
08.00, 17.00 Сериал «Майки Сэндс». 88-я серия.
09.00 Фильм «Ночь над городом». 1.41*54.
11.15 «Хит-парад на ТНТ».
11.45 «Телемагазин».
11.50 «Сегодняшняя за неделю». Дайджест.
12.50, 14.20 «Магазин на диване».
13.00, 19.25, 00.05 «За стеклом-2. Последний бифштекс».
13.30 Сериал «Власть желания». 1-я серия.
14.30 Мультфильм «Динозаврики». 26-я серия.
15.30, 03.55 Документальный сериал «Дикая Америка».
16.00, 02.45 Сериал «Дознание Да Винчи». 1-я серия.
18.00 Комедия «Я люблю Лоси». 179-я серия.
18.30, 03.30 «Из жизни женщины».
19.00 Мультсериал «Черепашки-ниндзя». 6-я серия.
20.30, 01.55 «Сегодняшние новости».
21.25, 23.55 «Глобальные новости».
21.30 Комедия «Аферисты».
23.40 «Музыка на ТНТ».
00.35 Мистическая драма «Волчица».

ДУШАНБА 11

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИСИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газетлар шарҳи.
8.55 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.30, 11.10 ТВ-метео.
9.35 «Куйла, ёшлим».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Жонли камалак». Бадий фильм.
11.15 Биржа ва банк хабарлари.
11.25 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
11.40 «Қиллоқ ҳақида ўйлар».
12.05 «Асия».
12.35 «Парис».
12.55 «Лукис бор уй».
13.25, 13.55 ТВ-анонс.
13.30 «23.5 даражали бурчак остида». Телесериал. 66-қисм.
14.10 «Спорт, спорт, спорт».
14.25 «Рангдин дунё».
14.45 Кундузги сеанс: «Изотопар». Бадий фильм.
16.10 Ўзбекистон халқ артистлари.
16.35 «Болаланинг мовий осмони».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Елгончилар қасри». Мультфильм.
18.25 «Баркамол алоҳида орзу».
19.05 «Айнос ва қонун».
19.05 «Тасфилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 ЭълОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сиябат оламида».
21.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.
21.55 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин».
Телесериал премьераси.
22.25 «Мувазат».
23.00 «Ахборот-дайжест».
23.20-23.25 Ватан тисмолари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
«Билангон маспахати».
9.45 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 18-қисм.
10.10 Саломатлик силри.
10.30 «Эсмералда». Телесериал.
11.05 Жаҳон цирки. «Массимо».
10.55 Мусикий ласхалар.
11.05 Жаҳон цирки. «Массимо».
12.25 Киногажам.
12.25 Интерфутбол.
14.00 Ёшлар овози.
14.20 «Қусто қоманданининг суво ости саргузаштлари». Телесериал.
15.05 «Озод юрт фарзандлари». Видеofilm.
15.20 Олтин мерос.
15.25 «Муқаббат қаҳваси».
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси.
«Дунё ва болалар».
17.05 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал. 19-қисм.
17.30 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.45 Минг бир маспахат.
18.05 Ватан манзаралари.
18.25 Автосалтанат.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Икким.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 Иқтисод-пелс.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Сифат белгиси.
20.05 Марду майдон.
20.25 Ёшлар овози.
20.45, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.50 «Эсмералда». Телесериал.
21.20 XX аср шеърятидан. Салим алул.
21.25 Халқалда плус.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.35 Олтин мерос.
22.40 «Мухаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
23.45 «Давр». Ахборот дастури.
00.00 «Икки минг йилдан энг». Хужжатли сериал.
00.20-00.25 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болаларлар экран.
«Жуманик». Мультфильм. 1-қисм.
18.30, 20.00, 21.50, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТВда сериал: «Селеста, хамиша Селеста».
19.10 «Тал-тортмаслар».
Хужжатли фильм. 12-қисм.
19.35, 21.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Интерспорт».
20.20 ТВда сериал: «Беби-лика пул».
21.25 «Ибрат».
22.40 Кинонигоҳ. «Амазония».
00.00-00.05 «Хайрли тун, шахрим!».

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ РХТ

7.30-9.00
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Вести».
17.30 «Юрагимнинг ёркин юлдузи». Сериал.
18.20 «Бугун оламида». Ахборот кўрсатуви.
РХТ
18.25 Е. Петросянин «Кулги панорамаси».
19.00 «Мухаббат заминин». Сериал.
20.00 «Заиф бўгин». Шоу ўйин.
21.00 «Время».
ЎзТВ-IV
21.35 «Қалб қанотлари». Сериал.
22.20 «CNN шоу».
22.35 Киноматограф. Жан Маре «Бургунд қасрининг силри».
00.05 «Ахборот» (рус тилида).
00.35 «Тунингиз осуда бўлин!».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

09.00-Дастурнинг очилиши.
09.05, 17.45, 20.35-«Теле-хамкор», фойдала газета.
09.30-Дастурнинг очилиши.
10.25 «Мурашик», сериал.
10.50-«Мир боевых искусств», спортивная программа.
21.00 «ОСТОРОЖНО, ДВЕ-
РИ ЗАКРЫВАЮТСЯ».
22.55 Секреты долголетия.
23.00 «ЧЕСТНОЕ СЛОВО».
1.00 Непознанное.
1.10 Программа Савенкова.
1.30 «КОМОДО».

6.55. Комедия «БЕСПО-


КОЙНОЕ ХОЗЯЙСТВО».
8.20 Программа для детей.
«УЛИЦА СЕЗАМ».
8.45 «ПЕПСИ-ЧАРТ»
9.25 «ОХ, УЖ ЭТИ ДЕТИ!»
10.15 «ВКУСНЫЕ ИСТО-
РИИ»
10.35 «Шоу Елены Степа-
ненко»
11.25 «КРИМИНАЛЬНАЯ
РОССИЯ». «ОТМОРОЗКИ» 2
серия
12.25 Филм: «ПОРОЖНИЙ
РЕЙС»
14.25 ««СЛУЖБА СПАСЕ-
НИЯ»»
15.00 «СВОЯ ИГРА»
15.50 «ДОГ-ШОУ.Я И МОЯ
СОБАКА»
16.35 ««ЖЕНСКИЙ
ВЗГЛЯД» Оксаны Пушкиной»
17.50 ««ОЧНАЯ СТАВКА»»
18.30 Боевик «МЕРЦАЮ-
ЩИЙ»
20.25 Филм: «ПОЛТЕР-
ГЕЙСТ»
23.00 «НАМЕДНИ»
24.15 «КУКЛЫ»
24.35 «ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМ-
ПИОНОВ»
1.10. «КОМА»

8.00 Программа мультфиль-

мов:
8.40 «Страна Фантазия»
9.10 Филм - детям. «УДИ-
ВИТЕЛЬНАЯ НАХОДКА ИЛИ
САМЫЕ ОБЫКНОВЕННЫЕ
ЧУДЕСА»
10.20 Страна моя.
10.55 Из собрания АСТ...
«Кумиры экрана»
11.25, 18.10 Музыкальная
программа.
11.45 Театр на экране.
«ДАМЫ И ГУСАРЫ». 2-я се-
рия.
13.05, 4.25 Песни О. Ива-
нова.
14.05 «V Международной
фестиваль»
14.35, 1.35 «Азбука права».
15.00 Филм «ПРИКЛЮЧЕ-
НИИ НА БЕРЕГАХ ОНТА-
РИО»
15.55 Научно-популярный
сериал о Лувре.
17.45 Канал ОР.
18.30, 3.05 Филм «ПРИОТ
КОМЕДИАНТОВ»
19.55, 2.05 «Путеводитель
для турманов»
20.30 «Весты». Информа-
ционно-аналитическая про-
грамма стран Содружества.
21.00, 7.20 Дом актёра.
21.40 Из собрания АСТ... «Я
Был любил».
22.00, 5.15 Филм «КРЕСТО-
НОСЦЫ» 2-я серия
22.35 Двиз и не только.
24.00 Филм «МИЛЛИОНЫ
ФЕРФАКСА»
2.35 Классика. Избранное.
6.50 «И заждаем свеч».

TV cent

Смотрите на канале.
10.00 Программа для де-
тей.
11.00 Мультипарад.
11.45 Музыкальная про-
грамма «Полевая почта».
12.20 Наш сад.
12.35 Ласковый кусочек.
13.00 Московская неделя.
13.25 Деловая лихорадка.
13.45 Филм: «МЛЕЧНЫЙ
ПУТЬ»
15.05 Мультфильм.
15.25 Программа «Пригла-
шает Борис Ноткин»
16.00, 24.55 События. Вре-
мя московское.
16.15 Дмитрий Журавлев.
16.55 ВстО здоровью в про-
грамме «21-й кабинет»
17.25 «Первая скрипка».
Мультфильм.
17.45 «Горько!» Телекон-
курс.
18.15 Погода на неделю.
18.20 «ЧИСТО АНГЛИЙСКОЕ
УБИЙСТВО» Филм 5-й.
«СМЕРТЬ ПОД ЧУЖИМ
ИМЕНЕМ»
20.15 Ток-шоу
21.05 «ПРОФЕССИОНАЛЬ-
НЫЕ МАТЕРИАЛЫ». Телесе-
риал



08:00 «Из жизни женщины».

Полезные советы

08:30, 16.30 Мультсериал

«Сейлормун». 49 -я серия

08:50 Ток-шоу «За стеклом»

2. Последний бифштекс»

(повтор)

10:00 Филм «Прощай, То-
ледо!»

12:00 Концерт Юлиана

13:00 «Хит-парад на ТНТ».

Итоги

13:30 «Неизвестная Плана-
та»14:00, 01.40 Документаль-
ный сериал «Дневники

НЛО». 8-я серия

14:30 Авторская программа

15:00 Программа «Фантасти-
ческие существа». 12-я се-
рия15:30 Сериал «Веселая се-
мейка Твист». 20-я серия

16:00, 21.00 Мультсериал

«Черный пират». 17-я серия

17:00, 02.35 Фантастичес-
кий сериал «Земля: после-
дний конфликт». 18-я серия

18:00 Приключенческий

фильм «Земля Санникова»

20:30, 02.05 «Черная» комедия


«Непридуманные исто-
рии»21:25 «Глобальные ново-
сти»

21:30 Мультсериалы

22:00 «Однажды вечером».

23:05 «Ночной канал». «Для
тех, кому за полночь...»03:20 Ток-шоу «Страсти
по...»

БОШҚОТИРМА



МАЙМУНЖОННИНГ БОШҚА НОМИ

БЎЙГА: 1. Қанд лавлагидан қанд
олиш саноати чиқиндиси. 2. Глобус-
Юнон олими. 3. Тбилиси яқинидаги
қўлақ қопи. 4. Дудланган гушт.
5. Электр токи кучининг бирлиги.
6. Тананинг ёпиқ тутилиши шарт қис-
ми. 7. Америка ва Шарқий Осиё
тимсоҳи. 8. Маймунжоннинг бошқа
номи. 9. Хушрўй, ёқимли, дилбар.
10. Ундан ҳамманинг қорни тўяди.
11. Тиши ўткир йиртқич кит. 12. Гер-
мания заминдори. 13. Кавказча ви-
нонинг бир тури. 14. Тинч океанида-
ги ороллар тизими. 15. Саҳна рақ-
си санъати. 16. Россиядаги шаҳар.

ЭНИГА: 5. Сув ости. 6. Қадимги
Юнон олими. 9. Тбилиси яқинидаги
қўлақ қопи. 10. Дудланган гушт.
11. Электр токи кучининг бирлиги.
12. Тананинг ёпиқ тутилиши шарт қис-
ми. 13. Америка ва Шарқий Осиё
тимсоҳи. 14. Маймунжоннинг бошқа
номи. 15. Хушрўй, ёқимли, дилбар.
16. Ундан ҳамманинг қорни тўяди.
17. Тиши ўткир йиртқич кит. 18. Гер-
мания заминдори. 19. Кавказча ви-
нонинг бир тури. 20. Тинч океанида-
ги ороллар тизими. 21. Саҳна рақ-
си санъати. 22. Россиядаги шаҳар.

Тузувчи: Тожали УМАРОВ

5-СОНДАГИ БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 5. Матбуот. 6. «Спартак». 10. Шанба. 11. Солиқ. 12. Хлорофилл.
15. Ёқубов. 18. Калуга. 19. Нуклин. 20. «Муножот». 21. Нокдаун. 25. Насимий.
26. Мадина. 27. Зумрад. 31. Дидактика. 33. Шарпа. 34. Шинни. 35. Уругвай.
36. Триполи.

БЎЙГА: 1. Дамба. 2. Бугало. 3. Қабила. 4. Тагор. 7. Садоқат. 8. Муомала. 9. Пи-
файор. 13. Котангенс. 14. Карнайгул. 16. Муборак. 17. Никосия. 22. Трамвай.
23. Силикат. 24. Платина. 28. Бикова. 29. Украин. 30. Спорт. 32. Пилла.

МУКАММАСАН «МУКАММАС АЁЛ»

- Дунёни Аёл зоти ушлаб туради.
- Шарқнинг ҳадсиз неъматларию бой-
ликлари, жамият ривожи ўрнига, бефой-
далар адашадилар. Уларнинг жони минг
биттадир.
- Аёлни мен ҳақиқатга қиёслаيمان. У
эгилди, букилади, лекин синмайди!
- Аёлни тарбия-
ламагунча миллат-
ни, жамиятни тарбиялаб бўлмайди.
- Энг илғор ғоя ва мафқурани сут бил-
лан киргизмоқ керак.
- Одам боласи учун балоғатга етгун-
га қадар Онадан-да азиз ва гўзалроқ
зот йўқ. Кейин эса, яна аёлга талпина-
ди эркак зоти...
- Аёлга ҳар қанча эҳтиром оздир.
- Олам неъматлари ичида энг шири-
ни ҳам, энг ачиги ҳам Аёлдир.
- Умрим бино бўлиб, даврада қўл кўта-
риб ўйинга тушмагганман. Аммо, хоти-
нимни «чирмандасига» хиром этганим-
ни ўзим билмай қоламан. О, қақадар
маққорсан Аёл!

Каримжон АБДУРАҲМОНОВ

Теледастурлар саҳифалари учун масъул муҳаррир: Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ

“БИЗНИ УНУТҚОННИ УНУТМОҚ КЕРАК!”

Фарҳоднинг “дарди дунёси” битилган мақолани ўқидиму, шундай ўй кечди ҳаёлимдан: “Агар ўша воқеа тўйдан кейин юз берганда, Дилфуза кўч-кўронини ортиб кетиб қолмасмиди? Унда Фарҳод йигит бошини қай деворга урган бўларди?”

Заҳириддин Мухаммад Бобур ҳазратларида шундай ҳаётий байт бор:

«Зуравоннинг зарбидан севгим бузилди» — 1-сон

ЭСЛАТМА: Дўстларим билан кўчада турсак, бир йигит билан қиз келадиган экан. Шу пайт қизнинг инграган овози эшитилди. Йигит қизни ураётганини кўриб ажратиш учун бордим. Қарасам, севгилим Дилфузанинг сингисин экан. Чидаб туролмай югуриб бориб қиз болага мушт ўқталаётган йигит билан олишиб кетдим. Шундан сўнг Дилфуза мендан юз ўгирди.

ФАРҲОД

**Ўзни кўнгил айш
ила тутмоқ керак,
Бизни унутқонни
унутмоқ керак!**

Мен доимо шу байт ибратига амал қилишга интиладим. Кимлардир айтишади: “Эгилган бошни қилич кесмас!” деб. Мен эса, қуламан: “Ахир, кунда олдида тик турган бошни ким кўрган?”

Фарҳод! Ҳали ёшга ўхшайсан. Лекин ақл ёшда эмаслигини ҳам биларсан. Менинг ҳам ўзгаларга ақл бўладиган одатим йўқ. Айниқса, севги ва оилавий масалада “учинчи одам” ортиқча. Буни “бошидан ўтган табиб” сифатида айтаяпман... “Дўст”ларинг борасида бир сўз: “Лоқайд ва сотқин ҳеч маҳал эл бўлолмайди!”. Яна шундай ёзибсан: “Бироқ ҳаммадан ҳам алам қиладиган жойи Дилфузанинг мендан юз ўгириши бўлди. Мен ишонган, суянган, севган қизим мени тушуниш ўрнига мендан воз кечса...” Тушунлиққа тушма, ўзингни қийнама, йигит! Бундай воқеалар анчайин одатий ҳолга айланиб қолган. Ўзим бундай кўргуликни тўйдан кейин бошдан кечирганман. Ўшанда бир шеър ёзгандим:

Мухаббатим ўғай гўдакдек,
Камситилди, масҳара бўлди.
Орзулару ишончлар тирик,

ганларидек: “Ўзни айш билан тутиб, бизни унутганини унутиб”, шеъру мақолани ёзиб, овуниб юрибман. Умуман, “қизларнинг севгиси” ҳақида битта яхши ҳаётий ривоятни биларман. Вақти келиб, имкон топилса, матбуотда чоп эттириш ниятидаман...

Фарҳод! Хулоса ўрнида бир фикрни айтмай:

“Бу дунёда сенинг ҳам, менинг ҳам дардимдек шахсий дардлардан-да минг чандон зиёд бўлган, кўпчиликка алоқадор муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Агар ҳар ким фақат ўз дарди билан ўралашиб юраверса, ўзи сезмаган ҳолда худбинлашиб қолиши мумкин!.. Ҳеч бўлмаса, Лев Толстой ибратини эслайлик. Шахсий ҳаётида ҳам подшоҳдан, ҳам аёлидан қанча-қанча ноҳақликлар кўрди. Ҳатто ўз уйда вафот этишни истамасди. Аммо бошидан... бўтакўзининг синиқ шириндан таъсирланиб, “Ҳожимукон” асарини ёзди... Буюк Алишер Навоий ибратини ёдга олайлик:

**Одами эрсанг
демагил одами,
Оники йўқ халқ
ғамидин ғами!..**

Дилмурод САЙИД
Тошкент

МАРДЛИК ТИМСОЛИ БЎЛИП

«Қайтар дунё экан» — 52-сон

ЭСЛАТМА: Ёшим 25 да. Уртада бир фарзандим бўлсада, эрим билан ажрашганман. Бир қорхонга ишга қирдим. Бошлиғимизни севиб қолдим. Унинг хотини ва икки боласидан ажралиб кетишига сабабчи бўлдим. Энди бу кўргуликлар ўз бошимга тушмаяпти.

Маҳфузанинг қилишларини мулоҳаза қилиб, унга нисбатан нафратим қўзиб кетди. Аввало айб унинг ўзида, қолаверса ота-онасида ҳам. Чунки 23 ёшида оиласи бўзилиб, ҳаёти издан чиққан қизига: “Ўз болангни ўзинг боқ!”, деб нари итарган ота-онани айбламай бўладими? Оиласининг бошқа аъзолари - акаларию, опа-сингиллари (агар бўлишса) Маҳфузанинг бундай нағмаларига бефарқ бўлишгани

мени таажжублантиради. Агар ўша аёлнинг яшаш жойи менга аён бўлганда, сабру қаноатли, покиза, ҳурматга сазовор аёл Нигора учун қасос олган бўлардим. Мен унинг дардига малҳам бўлишга тайёрман. Ҳали Нигоранинг эри қилган ишдан пушаймон бўлади, пушаймон бўлгандир ҳам. Аммо боши деворга бориб теккунча қилиқлиқни қилиб юриш, эр йигит учун шартимди?

Маҳфуза энди пушаймон бўлиб, кечирим сўрагани билан жароҳат олган кўнгил, синган чинни идиш каби яна ўз ҳолига келармиди? Эй, белида белбоғи бор ўзбек йигитлари! Қўларингизни катта-роқ очинг. Ёнингиздаги жуфти ҳалолнингизга, фарзандларингизга поклик, мардлик тимсоли бўлинг!

Нилуфар ТУРСУНОВА
Фарғона вилояти,
Қува тумани

СЕВИШ-СЕВИЛИШ АЙБ ЭМАС!

Қизим Ойгул, дил изхорингни ўқиб ниҳоятда ҳаяжонландим. Ўзимни қўлга ололмай, тўлқинланиб ич-ичимдан йиғладим. Мана, ҳозир салгина ўзимни тутиб сenga қалбимдаги гапларимни титраб-қақшаб ёзаяпман. Мен ниҳоятда таъсирчанман. Қувончдан ҳам салга қўларимга ёш келасди. Бировни ҳаффа бўлганини кўрсам ҳам қўлларим титраб, қалбимда алланечук ҳолатлар пайдо бўлади. Мана, ҳозир ҳам ёзган хатларим чиройли чиқмаяпти.

Қизим Ойгул, 17 ёшда экансан. Ёшлигингдан бошингга оғир қунарл тушибди. Ёшлигингдан отангдан, яқинда меҳрибон онажонингдан ажралибсан. Буни тақдиринг насиба дейдилар, қизим. Онажонинг сени ва акангни деб қайта турмуш қурмаган экан. Сен ва акангни ўқитувчилик қилиб, ҳалол нон билан боқибди. Оқ ювиб, оқ тараб воёга етказибди. Лекин касаллик туфайли онажонинг вафот эттибди. Қизим Ойгул, биламан, сен онангни соғинасан, изтироб чекаясан. Сирдошинг йўқ. Қизим, асло тушунлиққа тушма.

Яна ёзасанки: “Ака ҳам ўз йўлига экан, мен билан иши йўқ. Бормисан, йўқмисан демасди, келиноийим ҳам шу...”

Буни ҳаёт дейдилар, қизим. Ҳаётга теран кўз билан қара, қизим. Келажакнинг ўз қўлинг-да. Хали бахтли бўлиб кетасан. Бу қунарл ўтиб кетади. Шу ерда акангга айтар икки оғиз гапим бор.

Илоҳим қўшганингиз билан қўша қаринг, ували-жували бўлинг. Ота-онангиз арвоҳларини шод қиламан десангиз, синглингиз Ойгулнинг тақдирига бефарқ қараманг. Уни ҳар қадамида бохабар бўлинг, кўнглини кўтаринг. У ниҳоятда ёш, у сизнинг ҳимоянгизга муҳтож. Унинг севгани билан турмуш қуришга ёрдамлашинг. Укангизни тоғангиз (каттаси) дўппослабди. Нега бунга йўл қўйдингиз? Ойгулнинг севгани билан бўлса ёмонми? Ахир сиз ҳам турмуш ўртоғингизни билиб, севиб, сўнгра уйландирсиз.

Ўша катта тоғангиз Ойгулни савалаганидан сўнг бечора қиз ўзини машина остига ташлабди. Хайриятки, шофёр машинасини тўхтатишга улгурибди. Ў, йигит, Ойгулга бир иш бўлганда нима бўларди? Ота-онангиз гўрида ўрнидан турмасмиди? Ахир улар Ойгулни сизга ишониб топшириб кетишган-ку! Ойгулнинг акаси! Синглингизни севгани билан оила қуришга бош бўлинг. Йигит Андижондан экан. Қардан бўлса ҳам йигит ва қиз бахтли бўлса бўлди-да.

Ойгулнинг акаси! Қариндошларингизга ҳам яхшиликча тушунтиринг. Сиз ҳозир Ойгулнинг бошини силаб, турмушга узатсангиз, Худойи таоло сизни ҳамма орзу-умидларингизга етказди. Бизнинг Бухорода бир одат бор. Қиз узатилаётганда уй остонасида ота тиззасига бош қўяди.

Ота унга оқ йўл тилайди. Бахтли-тахтли бўлишини, қўшгани билан қўша қаришини, куёв уйини ўз уйида, куёв ота-онасини ўз ота-онасида қўришини айтиб оқ фотиҳа беради. Менимча, бу яхши одат. Тўра-қўрғонда ҳам шу одат бордир, яна билмадим. Қисқаси, сиз Ойгулга оталик қилинг. Унга оқ фотиҳа беринг. Якка-ю ягона синглингизни яра қалбига малҳам бўлинг. Менинг сиздан илтимосим ҳам, ўтинчим ҳам шу! Худойи таоло қалбингизни меҳр-муҳаббатга тўлдирсин. Мен шуни истаб қоламан.

Қизим Ойгул! Ёзишнинг қараганда севгилинг С. жуда ажойиб йигит экан. Сени машина остига ўзингни ташлаганингни эшитиб қайғурибди, насиҳатлар қилибди, кўнглингни кўтарибди. Ҳа, С. олижаноб йигит экан. Бундай йигитни севмай бўладими? Севингга содиқ бўл, қизим!

Шу ўринда Ойгулнинг катта аяси ва хола-ларига ҳам икки оғиз сўзим бор. Азиз опа-хон, яъни Ойгулнинг катта аяси - Сиз олижаноб бир нуроний онахон бўлсангиз керак. Набиранингиз Ойгулнинг шунчалик ҳўрла-нишига наҳотки йўл қўйсангиз? Шу борада сиздан илтимос, фарзандларингизни йўлга солиб, уларга насиҳатлар қилиб, Ойгулнинг ҳам тўйига бош бўлинг. Холаларини ҳам йўлга солинг. Мен ва сиз ҳаётда анча яшадик. Озми, кўпми ёшлар хато қилиши мўқаррар. Биз ва сизни бурчимиз уларни тўғри йўлга бошлаш. Севиш-севилиш айб эмас. Биламан, ота-она, бобо-бувилар фарзандига ёмонликни раво қўрмайди. Бориб келишимга осон бўлсин деб яқин жойга узатмоқчи бўлади. Келинг, энди кўнглини кенг қилинг, ёшлар бахтли бўлсин. Тўйларига бухороликларни ҳам таклиф этса, албатта борардик. Бу беш кўнлик дунёда Ойгулга ўхшаган ёшларга ҳавасим келади. Севинг, севилинг, албатта, бахтли оила қулинг.

Мен ишонаманки, Ойгул қизим, аканг, катта аянг ва холаларинг бу мақоладан тўғри хулоса чиқарадилар ва мени ҳам тўйларингга таклиф этарсан.

Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ

Бухоро вилояти,
Ғиждувон тумани

«Севгимизга ҳамма қарши» — 23-сон

ЭСЛАТМА: Ота-онам севишиб турмуш қуришган. Отам олти йилдан сўнг вафот этганлар. Кўп ўтмай онам ҳам вафот этдилар. Шунча кўргуликларни енгишда менга севгилим С. ёрдам берди. Аммо яқинларим С. узоқдан бўлганлиги учун севгимизга қаршилик қилишмаяпти.

ОЙГУЛ

ҚИСМАТИНГИЗ ЎХШАМАСИН

Синглим Ойгул. Бу дунёда инсон яхши ниятлар, орзу-ҳаваслар билан яшайди. Лекин ҳаётнинг ачиқли, аламли дамлари ҳам бор. Аҳволингиз жуда оғир экан. Ҳам отадан, ҳам онадан айрилиш ниҳоятда оғир. Бунинг устига ярангизга туз сепгандай катта аянғиз, тоғаларингиз, холаларингиз кўнглингизга қараб бошингизни силаш ўрнига сизни азоблашар экан. Қандай бағритошлик? Отангиз вафотидан кейин ўшалар ачиқ сўзлар билан азоблашмаганда онангиз ҳаёт бўлармиди? Инсонни ачиқ гаплар адо қилади. Энди сиз ёлғиз экансиз. Ҳатто якка-ю ягона акангизнинг ҳам сиз билан иши йўқ экан. Ўзингизни қўлга олинг. Мен ҳам сизга ўхшаб ёлғиз қизман. 3 акам бор, 2 та келиноийим бор. Опа-сингилнинг йўқлиги ёшлиқда биланмас экан. Улғайганингдан сўнг опа-сингил керак бўлар экан.

Синглим, сизга Худо сабр-тоқат берсин. Ҳозирги бир меҳрибонга зор бўлган пайтингизда ҳам ота-она, ҳам оғани ўрнида дардингизга шерик бўлаётган ўша С. исмли йигити раҳмат. Ҳақиқий севгисига вафодор

йигит экан. Нега бунинг улар тушунишмайди. Ахир ота-онангизни бу бахтсизликларига сиз айбдор эмасиз-ку. Худо бандани яратишдан олдин пешонасига ёзиб қўяди ва ўша пешонада борини кўради ҳар бир инсон. Ахир ҳаммасига арзимас нарсасаб бўлади, дейишди. Ота-онангизнинг қисматлари шу экан, найлох. Лекин, сизнинг бу севгингизга ота-онангиз тақдирини сабаб қилиб бўлмайди. Нега бунинг яқинларингиз тушунишмайди?

Синглим, бу дунё ўткинчи. Ўзингизни қийнаманг. Ёнингизда вафодор, садоқатли севгилингиз бор экан. Хар бандога Оллох инсоф берсин. Зора ҳаммалари инсофга келиб розилик беришса. Сиз сиқилманг. Ажабмас, дунёда энг бахтли қизга айлансангиз. Илоҳи борица севгингиз учун курашиб, ўша йигитга етишинг. Дунёда энг бахтли келин-куёвлар бўлинглар.

ЗУЛАЙХО

Фарғона вилояти,
Фурқат тумани

Хусусий тадбиркор
Жўраев Алишер
номига 2001 йилда
Юнусобод туман
ҳокимияти томони-
дан берилган думал-
оқ муҳр йўқолган-
лиги сабабли **БЕ-**
КОР ҚИЛИНАДИ.



"О" Азиз қизимиз МАФТУНА!
Шугилян кунини муборак! Узини узок ва
маъмулан бдасини. Ахли, одобли киз бдано
узайини.
Даданг, укаларинг номидан аянг
Нодира Шодиева
Нурога тумани, Сойкечар кишлоғи

Юқорида "О" белгиси билан берилган кўтоғлар "Оила ва жамият"га обуна бўлган мухлисларимиз учун бепул чоп этилмоқда. Обунамиз давом таяпти. "Оила ва жамият"га обуна бўлган бўсангиз кватипангиз пушчасини, табрикларингиз матни билан бирга бизга юборинглар.

Яна бир гап — "Оила ва жамият" обуначиларининг оилавий суваратларини ҳам газетамиз саҳифаларида бериб боришни ният қилганимиз. Суваратларингизни обуна кватипангиз билан бирга жўнатинг, кутамиз. Оилалар қувончи бизнинг ҳам қувончимиз.

1. Сартарошлик 2-ойлик. 2. **Масъулиятчилик** 2-ойлик. 3. **Уй ҳамишари** 2-ойлик. 4. **Қандолатчилик** 2-ойлик. 5. **Замонавий усулда парда ва пакриваллар тикиш (каталог асосида)**. 6. **Қосметология** 2-ойлик. 7. **Компьютер** - 2-ойлик. 8. **Инглиз тили** 2-ойлик. 9. **Маникюр** - 2-ойлик. Амалиётчи билан битигранларга диплом берилади. Олисдан келганлар ётоқхона билан таъминланишади.

Маъзиллими: "Ҳадра" меҳмонхонаси. 56 "2"-уй, 5-қават. Мўлжал: Циркиннг ўнг томонида. **Тел:** 144-28-11, 45-95-48.



У шитоб билан кетаётган поезд ойналаридан узок-узокларга тикилади. Уйларнинг түб-түбидан кўксини босиб турган оғир дардга даво излайди. Аммо, барчаси беҳуда. Бундан йигирма тўрт йил муқаддам қилган гуноҳини бўйнига олиш учун шошиляпти у ҳозир. Жонидан азиз бўлган дилбандини - яқинда чақалоқ кўрган қизини тухмат балосидан асраш учун шошиляпти у...

Лариса билан Анваржон олий ўқув юртида бирга таълим олишди. Муҳаббатнинг сеҳрли оғуши бу жуфтликни ҳам сийлаб ўтди, ўшанда. Сўнгги курсга келиб эса барчанинг ҳаваси келадиган оила қуришди. Кейинчалик хизмат жойлари-ю, келажак орзулари бир

берди: "Бу ишни ҳаёлингга ҳам келтирма, ўғлимиз катта бўлиб қолди. Мана кўрасан, бу сафар албатта қизалоқ кўра-миз". Лариса икки ўт ўрасида қолди. Турмуш ўртоғининг гапидан икки қилиши ёмон оқибатга олиб келиши мумкин. Бунинг устига болани олдириш тўғрисидаги фикрдан кейин уни тинмай назорат қилиб турибди. Агар бола туғилса-чи? "У аниқ ўша ҳабаш йигитдан, шунинг учун қора танли туғилиши ҳам аниқ", - дardли хабарлар гирдобидан қутула олмасди аёл...

Вақти-соати етиб Лариса фарзанд кўрди. У худди онасидек оппоқ, ойдай қизалоқ эди. Ўзининг куну туш қилган илтижолари рўёб бўлиб, турмуш ўртоғига биринчи ва сўнгги бор қилган хиёнати ошкор бўлмаганидан боши осмонда эди унинг. Қизалоққа Умида деб исм қўйишди.

Йиллар кетидан йиллар ўтиб, Умида ҳам худди акасидек ота-онанинг орзусидаги фарзанд бўлиб вояга етди. Ўрта мактабни аъло баҳоларга яқунлаб, олий ўқув юртига ўқишга кирди. Қиз боланинг бахти онасига тортади, дейишди. У ҳам худди онасидек олийгоҳнинг энг сара йигитларидан бирига кўнгил қўйди, севди ва севилади. Сўнгги курсга келиб эса, ширингина оила қуришди. Институтни тамомлагандан кейин Москвадаги нуфузли ташкилотлардан бирига мутахассислиги бўйича ишга таклиф қилишди.

Ота-она соғинчига энди унинг

ХИЁНАТНИНГ



АЗОБИ УЗУН

бўлган бу икки ёшга Оллоҳ яна бир қувонч - ширингина ўғилча тўхфа қилди. Йилда Қора денгиз бўйларида ўтказадиган таътил онларини фарзандлик бўлиб ҳам қанда қилишмади. Барчаси яхши, барчаси жойида...

Ўша йили бахтга қарши Анваржоннинг санаторияда дам олишга имкони бўлмади. "Ўғилчамиз катта бўлиб қолди. Онам қарайди. Сен кўнглингни бир жойга қўйиб бемалол дам олиб келавар. Кейинги йили яна албатта бирга борамиз", - дея бир ўзи боришга оёғи тортмай турган Ларисани мажбурлади Анваржон. Чунки, севган ёрининг садоқатига ишонарди.

Денгиз бўйининг ёқимли ҳавоси, таниш гўшалари, янги қувнок давралар Ларисани яна бағрига олди. Анваржоннинг тез-тез кўнгиноқлари-ю, ўғилчасининг ширин товуши аёлининг ёлғизлигини билдирмади, албатта. Шундай кунларнинг бирида чет элдан дам олиш учун келган қора танли бир йигит у билан танишиш нияти борлигини билдирди. Рус забонидан ахшигина сўзлаша оладиган бу янги таниш аввалгига Ларисада чет эл фукораси сифатида оддийгина қизиқиш уйғотган эди. Кейинчалик эса суҳбатлар давомидида аёлга ёқадиган томонларини намоеён қилиб, унинг кўнглига йўл топа олди...

Санаториядан қайтган Ларисани жуфти халоли-ю, ўғилчаси соғинч билан қутиб олди. Уйига кириб борар экан, стол устидаги гулдонда ўзи севган гулларни кўриб, юраги алланечук бўлиб кетди. Ошхонадан эса димоғини ёрадиган зирвак хиди келарди. "Ўзимизнинг паловга етадигани йўқ-а, соғингандирсан. Ҳозир дамлаб юбораман", - Ларисанинг белидан аста кучди Анаваржон.

Яна аввалги ҳаёт изига тушиб кетди. Давлат иши, уй юмушлари, фарзанд тарбияси, яъни турмушнинг ўзига ҳас ташвишлари. Аммо санаториядан келганига бир ой бўлар-бўлмас Ларисанинг кўнгли беҳузур бўлиб, турли ҳидлар унга ёмон таъсир қила бошлади. Нахотки бўйида бўлган бўлса. Ўзининг ҳаёлидан ўзи чўчиб тушди. Йўқ, йўқ, бундай бўлиши асло мумкин эмас. Чунки ўғлида бундай ҳолатга тушмаган. Лекин бу ҳақиқат эди. Врачлар ҳам шуни тасдиқлади. Анваржоннинг эса боши осмонда. Аборт тўғрисидаги хотинининг маслаҳатига ўша заҳоти рад жавобини

Москвадан тез-тез қилиб турган телефон кўнгиноқлари далда бўлар, қизларининг бахтидан уларнинг боши осмонда эди, албатта.

Шундай кўнгиноқлардан бирида Умида онасига кўнгли аччиқ ва шўр нарсалар тусалганлигини билдириб ўтди. Фарзандининг тўкин бахтини кўриш ота-она учун чексиз ҳас. Шу тўғрисида ўғилларидан набиралар кўриб, энди ёшлари ҳам улғайиб қолган Анваржон ака билан Лариса опани бу хушхабар чексиз қувонтирди. Мана, ният қизлари ҳам фарзанд кўрадиган бўлди.

Бугун Лариса опанинг кўнгли нимагадир жуда безовта. Тунда айқаш-уйқаш тушлар кўриб, яхши ухлай олмади. Тонг саҳардан ўзини овутиш учун рўзгор ишлари билан банд бўлди. Аммо кўнглига чироқ ёқса ёришмайди. Бир ҳаёли қизиқда, у шу кунларда фарзанд кўриши керак. Қутганидек, тушга яқин Москвадан кўнгиноқ бўлди. Кўёвининг безовта товушидан у ўзини йўқотиб қўяёзди. «Фарзанд кўрдик, ўғил. Умидининг саломатлиги яхши. Лекин тушунолмаяман, ҳеч тушунолмаяман, бола қоп-қора ҳабаш, эшитаянсимиз, ҳабаш. Илтимос, имкон бўлса тезда етиб келинг...» Кўёви ҳеч қандай жавоб қутмай телефон ўшагини қўйди. Аёл қарахт вужуди билан қанча вақт тик қотганини эслаб олмасди. Тиррик мурдага айланган эди гўё.

У шитоб кетаётган поезд ойналаридан узок-узокларга тикилиб, ўтган умрини сарҳисоб қилади. У хиёнат даргоҳига бир бора қадам босди. Бирок унинг заҳарли оғуси ҳаётига, ҳадик тўла титроқ қалбига бир умр нишсини санчиб ўтди. Энди бу ниш гуноҳсиз қизига ҳам чанг соляпти. У ҳозир турмуш ўртоғи назарида бевафолуғи хиёнат даргоҳида турибди. Вужудида ҳабаш қони борлигидан беҳаббар, бошига бундай савдолар қаердан келганлигини тушуна олмай, тухмат балосида қолган қизининг аҳволи қандай экан, ҳозир?

У шошяпти, йигирма тўрт йил муқаддам онасига қилган хиёнатини, энг ақинларидан-да сир тутиб келган гуноҳини бўйнига олиш учун, жигарбандини тухмат балосидан асраш учун шошяпти у. Зеро, хиёнатнинг азови бир умрликдир.

Зулфия ЮНУСОВА

МЕН ҲАМ БАХТ ИЗЛАБ ЮРГАНЛАРДАНМАН...

Мен Янгиер шаҳридаги тиббиёт муассасаларидан бирида шифокор бўлиб ишлайман.

1993 йилда бир қиз билан кўчада, ошхонадан овқатланиб чиққанмиздан сўнг танишдик. У қиз бир неча бор менинг иш жойимга келди. Хуллас, менга турмушга чиқишга жон-дили билан рози бўлди. Мен бир ой ичида не-не орзу-умидлар билан унга уйландим. Тўйни ресторандан ўтказдик. Лекин минг афсуски, у бокира қиз эмас экан, ифратини йўқотган экан.

Ўзим-ўзим билан бўлиб қолдим ва ориятим қучилиқ қилиб ҳеч кимга айтмай, яшаб юравердик. Хуллас, 1995 йилгача келишолмай, бир иложда яшадик. У бир ой уйда бўлса, "уйимизга бориб келай", деб икки ой йўқолиб кетарди. Лекин уйда бўлмас эди. Ота-онаси, сингиллари жуда яхши одамлар эди. У жуда ўзбошимча, ҳеч ким унга ортиқча гапиролмас эди. Эркак экан, оилада катта қиз эди. Мана шу эркаклиги оиланинг бузилишига олиб келди.

1995 йилда қизчамиз туғилди. "Бола билан овуниб, яхши яшаб кетасизлар", - дейишди уйдагилар. Лекин ундай бўлмади. Хуллас, 1995 йил охирида ахрилишга қарор қилдим ва судга ариза бериб ажралдим. Қизчани менга ташлаб кетди. Уни ёмон йўлларга кириб кетганини эшитдим ва бир неча марта кўчаларда бунинг гувоҳи ҳам бўлдим. Лекин мен ота-онам топган қизга уйланмай хато қилганимни жуда кеч тушундим. Мен уни севардим. У эса севгини тушунмасди, билмасди, ўткинчи ҳаваслар билан яшарди.

1998 йилда боласизлик туфайли ажралишган, 24 ёшли бир жувонга уйландим. Унга ишондим ва қизимни оимдан олиб унга бердим. Лекин мен ишлайман, шифокор сифатида навбатчиликларга туришимга тўғри келиб қоларди. Ҳар қуни уйда бўлолмайман. Шу туфайли у аёл қизимни уришар, ўзини ёлғиз қолдириб эшикни устидан қулфлаб қўшнилариникига чиқиб кетар экан. Ён қўшимиз (биз

домда турамыз) "Дўхтир қизингиз қаттиқ йиғлаётганини эшитдим", - деб қолди. Кейин мен қизимни ўзимдан сўрадим. У ҳамма гапни айтиб берди. Қизимни ўша кундан бошлаб оймга олиб бориб бердим. Ойим: "Ўғай ўғайлигини барибир қилади, ўзим катта қиламан", - дедилар. Ҳозир қизим 2-синфда ўқимокда. Ҳаммининг ҳаваси келадиган ақлли, одобли қиз бўлган. Ҳамма гап тарбияга боғлиқ экан.

У аёл билан боласиз яшай бошладик. Лекин мен йўғимда кўчадаги ёмон аёллар кўшилидиган одат чиқарибди. Унга: "Сенга нима етишмаяпти ўзи, айт", - дедим. У эса ўз билганидан қолмади. Мен жуда ориятли эркакман. Унинг бу ишларидан ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. У билан бир йилча яшаб, мени тушунмагани сабабли ажралишга мажбур бўлдик.

Мен ўйлайман — нахотки, баъзи бир аёллар шунчалик тубанликка тушиб кетмоқдалар. Улар "бир-икки кунлик маишатни", деб охирагани нега ўйламаяптилар. Нахотки, кўча-кўйда ҳаёт шунчалик ялтироқ-ярқирок бўлса, нахотки ўз эркакларини бахтли қилиш шунчалик қийин улар учун. Хурматли аёллар, бир бошларингизни қотириб ўйлаб кўринглар, бу ҳаётни ҳақиқат-ку.

Энди, мақсадга ўтсам... Азиз юртдошларим, мен ўз бахтимни "Оила ва жамият" орқали топтоқчиман. Бу борада ёрдамингизни аямасизлар, деган умиддаман. Чунки, газетада аёлларнинг ҳақиқий турмуш қураман, бўлажак эримни бахтли қиламан, вафодорман, дея ёзган дил изҳорларини ўқиб қоламан. Агар ҳақиқий меҳрибон, вафодор бир эркакни бахтли қила оламан, дея билан бир умрга яшаб кета оламан деган 35 ёшгача, ўқимишли ва пазанда аёл бўлса марҳамат, мен танишишга тайёрман. Ёшим 38 да.

Манзил — тахририятда.

АНВАРБЕК

Сирдарё вилояти

ДИЛ ИЗҲОРИ

БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКОНИН...

Ёшим 18 да. Исмим Наргиза. Оилада ёлғиз қизман, ҳамма нарсадан тўқиману, аммо қалбим изтиробга тўла. Тошкент Қурилиш қасб-хўнар коллежида ўқийман.

Ўқишда А. исмли бир йигит билан танишдим. У жуда ҳазилхас ва менга жуда меҳрибон эди. Гоҳида ҳазиллашиб: "Наргиз, кел, мен билан гаплашиб юрак", - дерди. Аммо, мен унинг бу сўзларини ҳазил билиб, у билан айтишар эдим. Бир қуни ҳовлида ўтирсам, бир бола мени кузатаётганини сезиб қолдим. Аммо ўзимни билмаганга олиб, парво қилмадим. Эртаси қуни билсам, у бола А. нинг дўсти Бекзод экан. А. мени у билан таништириб қўйди. Бекзод менга жуда ёқди. У менга телефон рақамини берди. Биз телефон орқали гаплашиб юрдик. Бекзод ишлар эди, шу сабабли биз бир ойда бир маротаба учрашар эдик. Айрилиқ мени қийнар, аммо унинг севгиси мени овутарди.

Лекин афсус, севгим ширин ёлгон бўлиб қичди. Кейинчалик билдимки, у мен билан танишмасдан олдин бир дугонамга севги изҳор қилган ва изҳори рад этилгач қасддан мени танлаган экан. Ахир, нима учун? Нега ахир? Бировга қасд қилмаман, деб одам бировни алдаса. Менинг ёш қалбимни, илк севгимни оёқ ости қилди. Шундан кейин ман ҳеч кимга ишонмайдиган, бефарқ қиз бўлиб қолдим. Йигитлар қўзимга балодай кўриниб қолди. Балки бу сўзларим мард, йигитларга оғир ботар, аммо уларга бу сўзларим тегишли эмас. Ҳаётим мазмунсиз эди. На еганим, на ичганим татир эди. Шунда бир дугонам: "Сигарета овутарди", - деди. Мен учун қалбим изтироби ор-но

мусимдан устун бўлиб қолди гўё. Жонсиз кўйроқчага айланиб қолдим. Шу сабабли сигарета чека бошладим. Бир яқин дугонам кўриб қолди, мени роса уришди. "Ҳаёт хали олдинда, сен яша-шиш керак", - деди. Шундагина менинг қўзим очилди.

Илк бора муз қалбим эриди. Қўзларимдан тиркираёт ёш окди. Шундагина мен хато қилаётганимни, иродам бўш эканини тан олдим. Оз бўлса ҳам илгариги ҳаётимга қайтдим. Мана мени азовга солган 2001 йил ҳам ўтди. Яқинда, январ ойида ўша дўстим А. ни кўриб қолдим. У билан 7 ой кўришмаган эдик. Анча суҳбатлашдик. У менинг сўзларимни эшитиб: "Наргиз, сен ўшанда сўзларимни ҳазил билгандинг, сўзларим рост, менга кераксан, ҳали ҳам кеч эмас, мени рад этма", - деди. Мен ҳайрон қолдим. Чунки у шунча вақт мени қутиб юрган экан. Азиз тенгдошлар, маслаҳат беринглар, қандай қилиб унинг сўзлари рост эканини бил-ай. Мен яна хато қилишни истамайман.

Севгим бўлдику армон,
Дардимга йўқдир дармон.
Не бўлса ҳам дўстларим,
Уни севаман ҳамон.
Хато қилиб бир бора,
Юрагим бўлди пора.
Айтинг дўстлар не қилай,
Хатоимга йўқ чора.

Сизлардан маслаҳатли ёрдам сўраб мушфиқа сингилнингиз.

НАРГИЗА

Тошкент шаҳри

ҚАРЗ

Шифохонага тушган дастлабки кезларим устма-уст келган йўқовчилар аста-секин камайиб, сўнгги кунлар ҳеч ким келмай қўйди. Бармоқ букиб санадим: у келди, бу келди...

БОЛА

Аёл болакайни қўйнига олиб, елкаларига оҳиста-оҳиста қоқа бошлади: - Ҳозир болам, бир терласанг, енгил тортасан. Кўзларингни юм, ухлагин.



Болакай момосининг пинжига суқилиб, ўзича енгил тортишини кута бошлади. Ҳақиқатан ҳам терлаб, бироз енгил тортиди. Момоси эса кўзларини бир нуктага қадаб, ҳамон болани маҳкам бағрига босганича, елкаларига қоқар эди. - Моможон!.. Момолар ҳам ўхшайди!.. - кутилмаганда сўз котиб бола. - Ҳа, болам, момо онанинг онаси, ўзи ҳам она. Онагнни соғиндингми, болам? Бола момонинг саволига жавоб бермади. Бирпас ўтиб, яна ўзи сўз котиб: - Моможон, лекин муаллимлар онага ўхшамас

экан. - Нега? Муаллим ҳам она. У таълим-тарбия беради. - Бизнинг муаллимимиз ҳам: «Мен сизларнинг иккинчи оналарингизман», - деган эди. Лекин мана неча кундан бери касал ётибман: ҳатто бир марта телефон ҳам қилиб қўймади...

КўНГИЛ

Касалхона эшигидан кирган аёлни бир дўстимга ўхшатдим. - Эҳ, фалончи-ку, - севинч учкун «йилт» этган кўнгилни зум ўтмай хижолат қоллади, - шўрлик, нима қилар эди овора бўлиб?..

КўНГИЛ ОҲАНГЛАРИ

«Овора бўлишмаган» экан. Дўстимга ўхшатганим беғона бўлиб чиқди. Умидвор кўнглим мунгайиб қолди.

... Суюнчи олишди: «Сиз уларга жуда ёқиб қолибсиз».

Кун бўйи катта бир мукофот олган одамдай руҳим равшан тортиб юрди.

Кечга бориб, нега ўз-ўзимдан севиниб юргангима ҳайрон бўлиб, ўтган кунни тафтиш қилдим.

Кейин... ўзимга ўзим ачинаиб кетдим: шунга шунчами? Ҳамон гўдакка ўхшайсан-а, қачон улғаясан?

- Билмадим, сиз уларга нима ёмонлик қилгансизки, нукул сизни гийбат қилишди.

- Э-э, - дедиму, бурилиб кетдим. Ҳаммаси ўша-ўша: бошим устидаги осмон, оёқларим остидаги ер, кундалик машғулоти, ризку насибам... Фақат дилимга чироқ ёқса ёришмайди.

Ё Оллоҳ! Ўзингдан ўзга дўст йўқлигини била туриб, нега кўнгли ўзим каби ожиз бандалар муруватидан умидвор бўлаверди, кимларнингдир меҳридан суюнчи, қаҳридан қуянади? Ахир энг катта умид ўзингдан, энг улуг меҳр ўзингники, энг улуг қаҳр ҳам фақат сеники эканлигига қачон ўзимни ишонтираман?

экан. - Нега? Муаллим ҳам она. У таълим-тарбия беради.

Бизнинг муаллимимиз ҳам: «Мен сизларнинг иккинчи оналарингизман», - деган эди. Лекин мана неча кундан бери касал ётибман: ҳатто бир марта телефон ҳам қилиб қўймади...

МАШҒУЛОТ

Азахондан чиққан хотинлар биринчи мулошидан ўтишлари билан «елкаларидаги ҳамдардлик юк»ларини бир-бир илиб отишди: - Онасининг ўтиришини қара, ҳеч бўлмаса ёлғондан кўзингни туپиклаб «кизим»лаб тур...

- Қизи тобутининг ортидан «мени кечиринг, онажон» деб югурди-я. Шу, онасининг ўлимида қизининг ҳам қўли борга ўхшайди.

Бири у деди, бири бу деди, ҳеч нарсаси қолмади — на уйдаги жиҳозлар, на бемаҳал ўлим туфайли ҳайрат қотиб қолган кўзлар - манзилга етгунча барча-барчаси бир-бир чайналади.

Ҳолбуки, улар ўзга сайёраликлар эмас эди, ҳаммаси ҳам тўй кўрган, ўлим кўрган. Яқинидан ажралган дам элнинг кўзи учун «дод» солиб, йўқлов айтиш кимнингдир қўлидан келади, қўриб - кузатаётганлари туши ёки ўнглигини ажрата олмай, тақдир ишидан ҳайрон улар бўлиб ўтираверишини, сўнгги дам эмас, ҳар дам она ва қиздек яқин бўлмасак-да, бир-биримиздан узр ва ризолик сўрасак, бу бағоят олижаноблик эканлигини яхши билишди.

Билишди... Ўша кўз ёшлари бўзига тикилиб қолган аёлга жуда қийин.

Билишди... Она меҳрига тўя олмай тобут ортидан югураётган қизга жуда қийин.

Билишди... Аммо, барибир гийбат қилаверишди.

Жамила ЭРҒАШЕВА

Ўтган сонларнинг қисқача мазмуни: Лобар билан Равшан ёшлиқдан бир-бирига қўнғил қўйиб, аммо севгисига етишолмагандан сўнг, улар бир неча йиллардан сўнг яна «топишиб», ҳуфия учраша бошлашади. Лобар эрдан ажрашган, Равшаннинг хотини бор. Аммо у, бу гаплардан хабар топади. Анигини билиш учун эса, синфдошлар зиёфатига боришга қарор қилади.

«Икки гулнинг шохига якка булбул қўнғилмас...» Равшан қаердадир ўқиган шеърдаги ушбу мисрани хаёлан тез-тез такрорлайдиган бўлиб қолди. «Наҳотки мен бирдан икки шохга қўнғилни хохлаб қолган бўлсам... Бир кун бири синиб кетса-я.

шинани тўхтатди, тушиб ма-шинанинг ёрилган балонини кўрди-ю, кайфияти тушиб кетди. «Обббо, мана сенга эрта бориш», - деб машинанинг гилдирагини бир тепди. Уни кузатиб турган Розия ўзини айбдордай ҳис қилди. Умиджониям «Жим, даданг

келамам деб менга бормаган эканда, кампирдан фарқи йўқ-ку, рўдаподай қилиб етаклаб келганини», - дея хаёлидан ўтказдида ўртадаги ноқулайликни бузиш учун унга қўл узатди. Ҳамма-нинг кўзи уларда, ўтирган-лар ўтирган жойида, турган-

ЁШЛИКДА БЕРГАН ҚЎНГИЛ

Уфф.. Охирини ўйлагим келмади... Вақт кетаяпти. Хали Лобарни олиб келишим керак... Равшан машинасини яна бир кўздан кечирди-да, кийиниш учун шошиб ўйга кирди. Умиджонни кўтариб олган Розия эшикдан чиқаётиб Равшан билан тўқнашиб қолди.

- Кетдикми дадаси, - деди у бироз кулимсираб. - Қаёққа, - Равшаннинг юраги «шув» этиб кетди.

- Сиз билан борасми дегандик. Ахир: «Ҳамма хотин бола-чақаси билан боради», дегандингиз-ку?

- Борганларинг яхшику-я, фақат Умиджон... - Равшан талмовсиради...

- Умиджон энди катта бўлиб қолди, боболарининг ўтиришига бороварса бўлади, - Розия бир нарсани ўқиб олади-гандек Равшаннинг кўзига тик қаради.

- Майли, - сизлар чиқаверинглар, мен кийиниб олай...

Равшан катта ойна олдидаги стулга ташлаб қўйилган кийимларини кияр экан, ўйланиб қолди. «Энди нима қиламан? Лобарга нима дейман? Ўзинг келавер демаман-да. Ҳа, нима бўлса бўлар, балки Розияни кўрса тушунар». У ойнага қараб сочларини тўғрилади-да, «уф» тортиб уйдан чиқди.

Улар йўлда анча вақтгача гаплашмай кетишди, фақат Умиджонгина машинанинг у ер-бу ерига тегишиб шўхлик қилиб борарди.

- Бунча эрта бораёпмиз, - деди ва Розия орадаги жимликни бузди.

- Фофирга қарашамизда, - Равшан бошқа ҳеч нима демасди. Машина қишлоқнинг тор кўчаларидан бурилаётганда, қаттиқ пақиллаган овоз эшитилди. Равшан ма-

уришади», - деб дам-бадам тинчлантирарди.

- Аянгнинг қадами ёқмадим, дейман ўғлим, - гарчи Равшан бу гапни ҳазилга йўйиб, зўрма-зўраки кулимсираб айтган бўлса-да, Розияга бу гап чин бўлиб эшитилди. У Равшанга гуноҳорона, айни пайтда хоро-зи қараб қўйди.

Равшан қандайдир асбобларни олиб, машинани тузатишга уннаб кетди.

Улар зиёфатга жуда кеч кириб боришди. Дарвоза олдида Лобарнинг машинасини кўрган Равшаннинг юраги бир орзқиб кетди.

«Келибди-да, мени кутган, охири аччиқ устида ўзи келаверган. Ҳозир Розияни

лар турган ерида кузатиб туришарди. Розиядан олдин синфдошлари билан қўришаётган Равшан орқага қарамасликка ҳаракат қилар, гўё орқасига қараса портлаш юз берадигандай. Розия ҳам: «Яхшимисиз», - деб номига қўришган бўлди-ю, ўтиб кетди. Равшан: «Хай-рийат», - деб енгил тин олди меҳмонлар қаторига ўтираркан. Умиджон уларнинг ўртасига ўтирди. Мусиқа тиниб ҳамма дастурхон атрофида ўтирди. Бировлар уларнинг кеч келишининг сабабини сўраб, баъзилар эса аллақачон пичир-пичирни бошлаб юборишди. Равшаннинг синфдошларидан 3-4 тасининг хотинигина Розияга таниш, синфдош қизларни эса деярли танимасди. «Ой-деккани хотини бор экан-а Равшани, нимага Лобарга илакишиб юрипти, ҳайронман», «Чироили экану, Лобардан қолар экан-да», «Агар у ҳам Лобарга ўхшаб сочини қирқиб, тиллоларга бурканиб олса, Лобардан ўтиб кетарди». «Қўйсаларингчи-га, гап ҳуснда эмас, буни севги дейдилар», «Бола-чақали одамга севгини ким қўйибди...»

(Давоми бор)

Раъно АВАЗОВА

Газетхон ижодидан

кўрса қандай аҳволга тушаркин», - Равшан шуларни ўйлаб ўлини кўтарди-да, ҳовлига кирди. Розия ҳам унинг орқасидан юрди. Дастурхон атрофида ўтирганлар ҳам, ўртада ўйнаётганлар ҳам: «Келинлар, келинлар», - деб уларни қулиб қутиб олишди. Ҳамма билан бир-бир қўриша бошлашди. На-вбат Лобарга етганда Равшан: «Яхшимисиз, Лобар», - деб қўл узатди. Уларни алам билан кузатиб турган Лобар базўр жилмайди: «Яхшимисиз, синфдош», - деди ва Умиджонга бир қараб қўйди. Унинг орқасидан бир-бир қўришиб келаётган Розия эрининг «Лобар» деганини эшитиб, ялт этиб қаради. «Шу экан-да», - деб унга бир зум тикилиб қолди. Лобар ҳам унга қаради. «Хотинини олиб

«Matbuot tarqatuvchi» акциядорлик компанияси, собиқ ҳодим Комилов Ҳамид Комиловнинг бевақт вафоти билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Matbuot tarqatuvchi» акциядорлик компанияси, Бош директор муовини Расулов Баҳодир Раҳимовичга акси Расулов Бахтиёр Раҳимовичнинг бевақт вафоти билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Matbuot tarqatuvchi» акциядорлик компанияси, шартномалар бўлими бош мутахассиси Қамбаров Дурдона Тўйғуновнага отаси Раупхўжаев Тўйғунхўжа Қамбаровичнинг бевақт вафоти билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Matbuot tarqatuvchi» акциядорлик компанияси, диспетчер-омбор мудирини Гофуров Маҳмуд Зокировичга отаси Гофуров Зокиржоннинг бевақт вафоти билан чуқур таъзия изҳор этади.

Оила ва жамият

Муаллиф фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтариб бериб, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан қўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 20.00
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ХОМИЯ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 3126. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади — 30 000
Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАББОРОВ.
Расом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИКОВ.